ЎзССР Давлат китоб палатаси
Инв.
№ 013952

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1995 ЙИЛ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ • СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН 24 ноябр, № 47 (3334)

Ватан ҳисси, ватан туйғуси барча нарсадан қадрлироқдир. Биз фарзандларимиз онгига ва қалбига ана шу туйғуни сингдиришимиз лозим. Бизнинг барчамиз ота эканлигимизни, она эканлигимизни унутмаслигимиз керак. Ҳар бир ота-она учун фарзанд камоли, оиласининг шон-шуҳрати муқаддас орзу-ҳавас ҳисобланади. Шундай экан, биз келгуси авлод баркамоллиги учун, ўғил-қизларимизнинг улуғ аждодларимизга хос оқил ва юксак маданиятли кишилар бўлишлари учун доимо эътибор бермоғимиз керак.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИДАН

ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИ МАДАНИЯТИ ФОРУМИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз дўстлар, қардошлар!

«Туркистон — умумий уйимиз» руҳи остида ўтаётган улкан анжуманнинг ташкилотчилари ва биринчи иштирокчиларини чин дилдан самимий муборакбод этаман.

Марказий Осиёдаги беш мустақил мамлакат жамоатчилиги вакиллари эзгу ниятлар билан бошлаган саъй-ҳаракатлари бугун ўзининг дастлабки самарасини бергани биз учун ғоят қувончли ҳолдир.

Аждодларимиз азал-азалдан бир оила бўлиб, қон-қариндош ва оға-ини бўлиб яшаб келишган. Тақдирлари узвий халқларимизнинг расм-русуми, урф-одати ва анъаналари, бой маданиятлари ҳам муштаракдир.

Туркистон тупроғини Яратганнинг ўзи ҳам алоҳида меҳр ва ихлос ила бино қилган, деб айтсак асло муболаға бўлмайди. Бу заминда камол топган юзлаб буюк зотлар даҳоси бутун дунё маънавияти ва маданиятини чароғон этиб тургани бежиз эмас. Сиз билан биз буюк алломалар фарзандлари эканимиздан ифтихор қилмоққа ҳақлимиз.

Халқларимиз истиқлол йўлида не-не қурбонлар бермади. Минглаб фидойи инсонларнинг шу улуғ мақсад йўлида тиккан жонлари эвазига биз мана шу кунларга етишиб турибмиз. Демак, буюк истиқлолимиз қадр-қимматини тўғри тушуниб, порлоқ келажак учун елкама-елка туриб курашиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Сиз, азиз дўстлар, тарихий бирлигимизнинг тамал тошини қайта қўйиш билан аждодларимизнинг армонларини юзага чиқариб, уларнинг руҳларини шод этмоқдасиз.

Тарихий анжуманингиз Марказий Осиё минтақасида ҳамжиҳатлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, маданиятимиз, адабиётимиз, санъатимиз, урф-одатларимиз муштараклигини таъминлаш, янада равнақ топтириш ва дунёга ёйиш сари қўйилган дадил қадамдир. Бу халқаро ҳаракатнинг самарадор келажагига мен шахсан қатъий ишонаман.

Азиз дўстлар!

Сизларга, Сизлар орқали барча қардош халқларимизга тинчлик, осойишталик, бахту саодат тилайман. Буюк мақсадларимизнинг амалга ошишида Яратганнинг ўзи мададкор бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом КАРИМОВ

БИРЛАШСАК — ЎЗАМИЗ

Тошкентда «Марказий Осиё халқлари маданият арбоблари ассамблеяси» тузилди.

Тошкентдаги муҳташам «Туркистон» саройида Марказий Осиёда истиқомат қилаётган халқлар маданият арбоблари вакилларининг биринчи қурултойи бўлиб ўтди. Қурултой қатнашчилари — қардош Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондан келган мўътабар олимлар, ёзувчилар, санъаткорлар ўзбекистонлик ҳамкасб дўстлари билан биргаликда анжуман аввалида мутафаккир шоир Алишер Навоий ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйиб халқларни чинакам саодатга элтувчи эзгу фазилатларни, миллатлар ва элатлар тарихи ва тақдиридаги муштаракликни куйлаган улуғ бобокалонимизга ҳурмат бажо келтирдилар. Бугунги кунда улуғ Навоийнинг бундан 600 йил аввалги орзуларининг ижобати шу қадим минтақада яшаётган халқларнинг бевосита ўзига, муштарак вазифалар ечимини топиш йўлидаги якдил ҳаракатларига боғлиқ бўлиб турибди. Буни чуқур англаган зиёлилар, адабиёт ва санъат арбоблари мустақиллик туфайли юзага келган янги тарихий шароитда фақат бирлашиш, жипслашиш, аҳил-иноқликда иш кўришгина ягона тўғри йўл эканлигини таъкидламоқдалар.

Таниқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов қисқача хириш нутқи билан қурултойни очиқ деб эълон қилди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев ва Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоновнинг қурултой қатнашчиларига йўллаган табриклари ўқиб эшиттирилди.

Делегатлар қурултой ташкилий қўмитасининг раиси Чингиз Айтматовнинг янги тарихий шароитда ижтимоий-маънавий муҳит ва маданият арбоблари масъулияти масалаларига доир сермазмун докладини катта эътибор билан тингладилар.

— Биз ҳаммамизнинг ўз ва қадрдон шаҳримиз бўлган Тошкентга олдимизда турган муаммоларни, орзу истакларимизни, дилимизда анчайин тўпланиб қолган истакларимизни дўстона, холисона муҳокама қилиш, фикр-мулоҳазаларимизни ўртоқлашиш мақсадида йиғилдик, — деди Чингиз Айтматов. — Марказий Осиё халқлари маданиятларининг бугунги аҳволини ҳар тарафлама таҳлил этиш, эҳтиёжларини аниқлаш, миллий маданиятларни янада ривожлантириш, уларни жаҳонга олиб чиқиш, кўрсатиш борасида фикрлашиб бир тўхтамга келиш, ибратли хулосалар чиқаришимиз лозим. Сўнгги пайтда Марказий Осиё деб аталаётган бепоён ҳудуд нафақат жуғрофий жиҳатдан, айни чоғда тил, дин, тарих ва келажак муштараклиги жиҳатидан ҳам яхлит макондир. Бизни ўз тарихимиздан ташқари собиқ тузум билан боғлиқ тақдиримиз ва бу тузумдан қолган муаммоларнинг ҳам бир хиллиги бирлаштириб турадики, буни эътибордан соқит қилиб бўлмайди.

Маърузачи жамиятнинг бугунги ижтимоий, маънавий-ахлоқий ҳолатида маданиятнинг, адабиёт ва санъатнинг ўрни ва вазифаси қандай бўлмоғи керак, жаҳон маданий ривожидан узилиб қолмаслик ва бунда зиёлилар зиммасига қандай масъулият юкланади деган саволларга кенг тўхталди.

Собиқ тоталитар тузумнинг қулаши ва айни бир пайтда ёш мустақил давлатларнинг пайдо бўлиши одамлар тақдирини бутунлай ўзгартириб, ривожланиш ва тараққиётнинг янги истиқболли йўлларига олиб чиқди. Дунёқарашимизда, ижодимизда, тафаккуримизда, миллий ва умумбашарий қадриятларни идрок этишимизда кўлами даражасини бирон бир нарсага қиёс қилиш деярли мумкин бўлмаган ўзгариш содир бўлди, — деди нотиқ. — Ижодкор учун зарур бўлган шароит ва имкониятлар худди ғойибдан келгандек, муҳайё бўлди. Мустақиллик, демократия, сўз эркинлиги, фикрлар хилма-хиллиги, ранг-баранг мавзулар, миллий маданият ва санъатнинг устиворлиги — ёзиш, яратиш учун ижодкорга нима керак бўлса уларнинг ҳаммаси бор. Марҳамат, ёз, ҳаракат қил, маҳоратингни кўрсат, айтар гапингни айт, асаринг билан дунёни ҳайратга сол. Атрофимизда одамлар ички дунёсини, маънавий оламини очувчи қанчадан-қанча воқеа-ҳодисалар юз бермоқда. Ақл бовар қилмайдиган тақдирлар. Бунақаси ҳеч бўлмаган. Гениал асарлар яратиш, новаторлик қилиш, янги кашфиётлар очиш мумкин. Вақт тўхтовсиз ўтиб бормоқда. Ҳадемай мустақилликка эришганимизга беш йил бўлади. Қани ўша кутилган буюк асарлар, буюк ихтиролар? Бизга нима бўлди ўзи? Нима етишмаяпти? Дунёдан узилиб, майда-чуйдачилик дегандай ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб қолмаяпмизми? Эҳтимол, мен масалани бироз бўрттириб қўяётгандирман. Аммо, аминманки, ўзимизга қаратилган бундай кесатиқсиз янги тарих олдидаги янги ижодий, ижтимоий вазифалар моҳиятини англаб етишимиз қийин.

Биз ҳозир тарихнинг ғоят мураккаб имтиҳони олдида турибмиз, — уқтирди адиб, — тақдир бизга қийин эволюцияни таклиф этмоқда: адабиёт, санъат, илм-фан орқали биз бугунги куннинг сўроқларига жавоб топа олишимиз, эҳтиёжларини қондира билишимиз зарур. Бунда энг аввало ўз кучларимизга, ўз имкониятларимизга таянишимиз, жамики ўзига хосликлари, бетакрор мазмунини сақлаган ҳолда миллий маданиятларни кенг маънода ривожлантиришимиз зарур бўлади. Бунинг учун тарихий шароит юзага келди, тарихий зарурат пайдо бўлди. Узилиб, тўхтаб қолган ижодий, илмий ва бошқа шу каби мулоқотлар ўрнини нима билан қоплаш тўғрисида қайғуришимиз лозим. Адабиёт ва санъат декадалари, кинокўриклар, театрларимизнинг ижодий сафарлари тўхтаб қолгани сир эмас. Кейинги пайтда туркистонлик рассомларнинг асарлари жаҳон миқёсида намойиш этилаётгани тўғрисидаги хабарларни ўқиётганим йўқ.

Ижодкор учун нохуш бўлган бундай ҳоллар тўғрисида яна узоқ гапириш мумкин. Хўш, биз, ҳаммамиз биргаликда ва ҳар биримиз алоҳида-алоҳида нима қилишимиз керак? Тарихнинг, маданиятнинг янги ўлчов мезонлари шароитида бизлар ижодкор сифатида қола оламизми? Табиийки, бундай саволларга жавоб бера оладиган тайёр андоза йўқ. Муҳими, биз миллий қадриятларни, умуман маданиятларимизни ривожлантиришда бугунги тарихий ва ижтимоий реалликдан келиб чиқишимиз зарур бўлади. Инсониятнинг ҳаёти ва тараққиётининг барча даврларига дахлдор умуммаданиятнинг бош вазифаси — бу маънавият эканлигини унутмайлик. Мен гапни бу томонга бураётганимнинг боиси бор, албатта. Ғарбда зўравонликни, қабоҳатни, фахш ва қонхўрликни тарғиб қилувчи «бадиий асарлар» миллион-миллион нусхаларда чоп этилмоқда, улар жаҳоннинг турли бурчакларига, жумладан бизгача ҳам етиб келмоқда. Зўрликни, зўравонликни оқлаш ҳаракатлари мавжуд. Телевидениедаги аҳволга тоқат қилиб бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, инсоннинг энг азиз туйғуларини ҳам пуллай бошладилар.

Бизга ҳақиқий санъат асарлари, ҳақиқий китоблар, филмлар зарур, — давом этди нотиқ. — Энг яхши асарларимиз бошқа тилларга ўгирилиши керак. Бусиз китобнинг умри яримта бўлиб қолади. Яна шуни айтмоқчиманки, маданиятнинг ўрнини ҳеч нарса қоплай олмайди. Маданиятга, маънавиятга бефарқлик — инсон тафаккури ривожи йўлини тўсади, тафаккур ривожини сусайтиради, унинг маънавий қашшоқланишига олиб келади.

Маданият учун сарф бўлган ҳар қандай харажатлар ўзини оқлайди. Тўғри, бозор иқтисодиётининг ўзига тегишли қонуниятлари бор, аммо, нима бўлганда ҳам маданиятнинг ҳамма эҳтиёжлари ўз вақтида қондирилиши керак.

Инсоният ҳаёти бугун кўпдан-кўп иқтисодий, сиёсий, ҳудудий, этник можаролар билан тўлиб-тошган кемада

Давоми иккинчи бетда

МАРКАЗИЙ ОСИЁ РЕСПУБЛИКАЛАРИ МАДАНИЯТ АРБОБЛАРИГА

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҚАРДОШ ХАЛҚЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ҚУРУЛТОЙИ ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз дўстлар, биродарлар!

Марказий Осиёдаги қардош халқлар вакилларининг қурултойи минтақанинг ижтимоий ва маданий ҳаётида катта воқеадир. Халқларимиз азалдан қон-қардош халқлардир, бизнинг динимиз ҳам бир, анъаналаримиз ва урф-одатларимиз ҳам ўхшаш. Халқларимизнинг маданияти ва санъати ажралмас, ягона яхлит маданият ва санъатдир. Бу анжуман, бу ҳаракат беш мустақил давлат ҳаётида, ҳар бир киши ҳаётида жуда катта ўрин тутади. Бу ҳаракат ва анжуман фан, маданият ва адабиёт соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришга ёрдам берибгина қолмай, айни пайтда қардош республикаларимизни бир-бирига тағин ҳам яқинлаштирди, қардошлик қонунларига мувофиқ тинчлик ва осойишталикда яшаш имконини берди.

Анжуман иштирокчилари маданиятларнинг бундан буён ҳам ўзаро қўшилиб, бир-бирини бойитиши учун, халқларнинг тарихий ва маданий-маънавий қадриятларини қайта тиклаш учун, янги, ёш давлатларимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун, жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш жараёнини тезлаштириш учун бундан буён ҳам қўлларидан келадиган ҳамма ишни қилаверадилар.

Биз ҳаммамиз бир минтақада яшаймиз, шунинг учун ҳам ҳар биримизнинг тақдиримиз ва келажагимиз ҳаммани ҳаяжонга солмай қўймайди, ҳеч кимни лоқайд қолдирмайди. Қўлни-қўлга берайлик. Бугун биз халқ тафаккури ва донишмандлиги, унинг улкан тарбиявий аҳамиятини бутун дунёга намоён қилишимиз лозим.

Марказий Осиё халқлари азалдан қардошлик алоқалари, маданияти, ёзувчилар ва шоирларнинг буюк ижоди билан машҳур. Биз анжуманимиз бу муқаддас ишда янги саҳифалар очиши учун барча ишни қиламиз.

Обуна—96

Азиз дўстлар, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га обуна бўлишни унутманг!

Обуна нархларини эслатиб ўтамиз:
РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДА
Якка тартибдаги обуначилар учун:
Нашр индекси — 64593
Олти ойга — 204 сўм.
Бир йилга — 408 сўм.
Ташкилотлар учун:
Нашр индекси — 64580
Олти ойга — 256 сўм 20 тийин.
Бир йилга — 512 сўм 40 тийин.
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
Якка тартибдаги обуначилар учун
Олти ойга — 162 сўм
Бир йилга — 324 сўм.
Якка тартибдаги обуначилар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:
олти ойга — 144 сўм
бир йилга — 288 сўм.
Ташкилотлар учун:
олти ойга — 251 сўм
бир йилга — 512 сўм.
Ташкилотлар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:
олти ойга — 222 сўм
бир йилга — 444 сўм.

ҚИРҚ ЙИЛЛИК ҲАМРОҲИМ

Мен 63 ёшдаман. Ҳаётимни газетасиз тасаввур қилолмаганман ва бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Газета— бу ҳаёт кўзгуси, янгиликлар жарчиси. Зиёли киши ўз маънавиятини бойитиб бориши шарт. Мен педагогик фаолиятимда, каттами-кичикми, бирор ютуққа эришган бўлсам, бунга фақат матбуотга ошнолигим сабабдир.

Ўтган йили салкам 800 сўмлик вақтли нашрларга ёзилган эдим. Бу йил ҳам 1000 сўмдан ошса ошар, кам бўлмас.

1955 йилда Ўрта Осиё Давлат университети ўзбек филологияси факултетининг биринчи босқичида ўқир эдим. «Ўзбекистон маданияти» газетаси чиқармиш деган хушхабарни эшитиб бошим осмонга етди. Газетанинг талабалик давримдаги беш йиллик тахламини ҳозир ҳам ўқиш учун зарур бўладиган мақолалар чиққан сонларини асраб қўйибман. Улардан ўз ишимда кўп фойдаланаман.

Менга адабиётимиз тарихининг ўқилмаган, биз билмаган саҳифасидан мақолалар одоб-ахлоқ, тасаввуфга оид чиқишлар, таниқли ёзувчи, шоир ва адабиётшунос олимлар билан мулоқотлар, ўзбек ва жаҳон адабиёти, айниқса, хорижий Шарқ адабиётидаги янгиликларнинг мунтазам бериб борилиши жуда маъқул.

1996 йилда кўпроқ адабий мерос, миллий мафкура (истиқлол мафкураси), одоб-ахлоқ, қадриятларимизнинг қайта тикланиши, Туркистон шайхлари, авлиёлар ҳақида адиб ва олимлар билан долзарб мавзулардаги мулоқотларга кўпроқ эътибор қаратилса, айни муддао бўларди. Шунингдек, «Юзма-юз» деган рукн очилса, унда бўладиган мунозара ва мулоқотлар дангал ва кескинроқ қўйилса, яхши бўлармиди, дейман.

Йўлдош ҲОЖИЕВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими
Хонқа

Форумдан сўнгги ўйлар

Улбўлсин АКИМОВА,
Еттисой мусиқали драма театрининг актрисаси

— Ўзбекистон билан Қозоғистон туташган ҳудудда яшайман. Бизни еттисойликлар ҳам, сирдарёликлар ҳам ўз санъаткорлари деб билишади. Ҳар икки туманда яшаётган ўзбеклару қозоқларга бирдай сидқидилдан хизмат қиламиз. Миллий байрамлар, халқ сайллари, тўй-ҳашамларда ким ўзбегу ким қозоқ эканини одамларнинг эсларидан ҳам чиқиб кетади... Фақат мусиқаларимиз, рақс ва айтишувлардаги миллий ўзига хослик худди гулдастадаги ранг-баранг гуллар каби, турфа гулларнинг анвойи ислари каби фарқланиб туради холос. Кенг халқ орасидаги мана шу кайфият менга жуда ёқади. Бизларни бундай суйгун даврага аллақандай расмий таклифлар ёки шиорлар эмас, балки элга хизмат қилиш санъатимизга шайдолар сафини янада кенгайтириш истаги олиб келади. Форумда қозоқ шоири Мухтор Шаханов тўғри таъкидладики, биз маданият ходимлари энди фаолроқ, ташаббускорроқ, бир оз одмироқ бўлишимиз керак. Қардош халқлар республикалари раҳбарларининг халқаро тадбирлар ўтказиш тўғрисидаги кўрсатмаларини кутиб ўтириш бизга ярашмайди.

Абдуғани АБДУҒАФУРОВ,
«Уш садоси» вилоят газетаси бош муҳаррири

Тошкент ўшлик ижодкорлар учун ҳамиша маҳорат мактаби бўлиб келган. Тошкентлик устозлар ижодимизга оқ фотиҳа беришган, китобларимиз илк бор Тошкент нашриётларида дунё юзини кўрган.

Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган улкан қурултой минтақадаги барча халқларнинг маданий алоқаларини жонлаштириш, қайтадан йўлга қўйиш борасида муҳим қадам бўлди. Ўйлайманки, бундан буён азалий теран илдизларга эга алоқаларимиз, ўзаро борди-келдиларимиз янги босқичга кўтарилади.

Мен Тошкентни туркий халқларнинг ўзига хос Маккаси, деб атаган таниқли қорақалпоқ адиби Тўлапберган Қайипбергановнинг рамзий қиёсларини чин дилдан қувватлаган ҳолда бу улуғ шаҳарнинг бундан буён ҳам барчамиз учун муқаддас даргоҳ бўлиб қолишини орзу қиламан.

Тўлан НИЗОМ,
шоир

Тошкентдаги улкан қурултойда иштирок этиб қирғиз, тожик, туркман ва қозоқ ижодкор дўстларим билан дийдорлашдим. Кўпдан бери бундай имконият бўлмаган эди. Қурултой кунлари биз бир-биримиз билан мароқли суҳбатлар қурдик, ижодий режаларимизни ўртоқлашдик, янгиликларимиз, ҳаёт ва ижоддаги ютуқларимиздан воқиф бўлдик. Ахир, бундан ҳам улуғ иш борми?

Менинг ишончим комилки, Тошкентда бир-бирларига қайтадан қучоқ очган улуғ Туркистон фарзандлари бирлик ва биродарлик йўлидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштирадилар. Зеро, Туркистон ҳудудидаги беш республика халқлари мустақиллик йилларидагина бировларнинг кўмагию воситачилигисиз бир-бирларига қўл бериш, бир мушт бўлиш учун аҳд-паймон қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Бу аҳд-паймонга содиқлик келажак авлодлар олдида бизнинг юзимизни ёруғ қилажак.

Отахон САЙФУЛЛАЕВ,
Хўжанд университети профессори

Ўзбек ва тожик халқларини қадим-қадимдан азалий дўстлик ришталарини боғлаб туради. Тошкентда ўтган Марказий Осиё маданият арбоблари анжумани кунларида ҳам бу дўстлик ёрқин намоён бўлди. Ўзбек биродарларимиз бизни очиқ чеҳралик билан кутиб олдилар.

Шу ўринда мен Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Тожикистонда давом этаётган — майда гина-кудуратчиликлар асосида келиб чиққан — биродаркушлик можароларини бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини миннатдорчилик туйғулари билан алоҳида қайд этиб ўтишни истайман. Қолаверса, Марказий Осиёдаги беш республика маданият арбобларининг Тошкентда тузилган янги ҳамжамияти ҳам минтақада тинчлик ва осойишталикни барқарор этиб, чинакам маданият тараққиётига йўл очиши муқаррардир.

Биз бу тарихий имкониятни асло бой бермаслигимиз керак.

М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институти 50 йиллигига

ЮЛДУЗЛАР ПОРЛАЙВЕРАДИ

Маълумки, театр санъатининг миллий шакллари: мушоара, мусиқа, мақом, лапар, ўйин, цирк (кўзбўямачилик, ҳайвон ўргатиш, дорбозлик), спорт (кураш, тош кўтариш, чавандозлик, улоқ-кўпкари) халқ сайилларида, бозор майдонларидаги томошаларда, хонлар саройидаги базмларда мавжуд эди. Лекин даврлар ўтиб, шароитлар ўзгариб, одамларнинг онги ўсиб боргани сари театр санъати учун олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш кун тартибидаги зарур масалалардан бўлиб қолди.

Шу сабабли собиқ Иттифоқ Халқ Комиссарлари совети 1944 йил 14 февралдаги қарорига асосланиб 1945 йилнинг май ойида Тошкент Давлат Театр санъати институтини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Урта Осиёда ягона бу илм маскани Узбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Қорақалпоғистон республикалари ва бу ҳудудлардаги рус театрлари учун олий маълумотли мутахассислар тайёрлаши керак эди. Шу қарорга биноан актёрлик, режиссёрлик ва театршунослик мутахассислигига қабул эълон қилинди. Бу институт дипломини биринчи бўлиб, 1949 йили олганлар Халқ артисти З. Муҳаммаджонов, педагог Э. Крушеевская, машҳур режиссёр О. Чернова эдилар.

Учинчи қабулдан бошлаб, ўзбек гуруҳларига тажрибали актёр, драматург, режиссёр Маннон Уйғур дарс бера бошлади. У ўзига ёрдамчи қилиб эндигина институтнинг режиссёрлик факултетини тугатган Тошхўжа Хўжаевни ишга таклиф қилди. Бу вақтда институт фақат театрларни эмас, балки ўзини-ўзи миллий мутахассис педагоглар билан таъминлаши керак эди. Шундай қилиб, ўқишни тугатиб қўлига эндигина диплом олган талабалар ҳам институтга ишга қабул қилинди. Режиссёрлик курсини тугатган Т. Хўжаев, М. Фаттохов, О. Чернова, Ш. Маъзумова, Ш. Аббосов, актёрлик курсини тугатган Л. Хўжаева, А. Сайфутддинов, М. Исроилов, И. Исаева, И. Пулатов, театршунослик курсидан Х. Абдуллаев, М. Раҳмонов, Т. Турсунов, Т. Баяндиев, С. Турсунбоев шулар жумласидандир.

Институтни ташкил қилишда фаол қатнашган, унинг биринчи ректори М. Верхацкий бир вақтнинг ўзида «Актёрлик маҳорати» кафедрасининг мудири ҳам бўлган. У 1950 йилгача бўлган иш фаолиятида институтга мутахассис кадрларни жалб қилиш ва кучли ижодий жамоа яратиш жараёнига бутун кучини, тажрибасини сарф қилди.

Ленинград театр санъати институтининг актёрлик бўлимини 1932 йили тугатган Н. Тимофеева Тошкент рус ТЮЗидан институтга таклиф қилинди. Узбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Н. Тимофеева П. Саидқосимов, Т. Муминов, Г. Жамилова, Ҳ. Нурматов, Э. Комилов, Т. Содиқов, М. Иброҳимова, Ё. Зиёмуҳамедова, Р. Тўраева, Р. Саъдуллаев, И. Абдуллаев, Г. Раҳимова каби ижодкорларни, институтда О. Абдураззоқов, Т. Исроилов, Г. Муҳамедова, В. Володченко, М. Умаров, Н. Қобулов, Б. Бобоназарова каби педагогларни, Рустам Ҳамроқулов ва Ҳожибой Тожибоев каби қизиқчиларни тарбиялади.

Вахтангов студиясини 1919 йили тугатган М. Рубинштейн 1945 йили «Актёрлик маҳорати»дан дарс беришга таклиф қилинди. Унинг кўп йиллик амалий тажрибаси ва назарий билими ҳаммани ҳайратга соларди. Мейерхолд студиясини 1928 йили тугатган Н. В. Ладигин 1946 йили институтга Ҳамза театридан таклиф қилинди. М. Уйғур билан ҳамкорликда ишлаган бу машҳур режиссёрнинг келиши катта воқеа бўлди.

Институтни тугаллаган маҳаллий кадрлар Москва, Ленинград олий санъат даргоҳларида малака ошириб келдилар. 1966 йили Москва ГИТИСининг махсус икки йиллик педагогик курсини Т. Исроилов, О. Абдураззоқов, А. Исмоилов тугатиб келиб, институтда илмий методологияни ривожлантираётганлар сафига қўшилдилар.

1967 йили Москвада биринчи марта собиқ Иттифоқ санъат институтлари спектаклларининг кўриги бўлди. Бу кўрикка Н. Тимофеева ва Т. Хўжаев ҳамкорликда яратган Чингиз Айтматовнинг «Қизил дуррачалик нозик ниҳолим» асари асосидаги диплом спектакли олиб борилди. Спектакл фахрли II-ўринни олди. 1968 йили институт тарихида яна бир воқеа юз берди, ўқув театри ишга тушди. Энди талабалар ўз спектаклларини томашабинга узлуксиз кўрсатиш ва амалиётда тажриба орттириш имкониятига эга бўлдилар.

1969 йили Ленинградда ўтказилган иккинчи кўригда Н. Тимофеева ва И. Исаева биргаликда тайёрлаган Асқад Мухторнинг «Туғилиш» асари асосида яратилган спектакл I-ўринни олди.

1975 йили О. Абдураззоқов С. Аҳмаднинг «Уфқ» романи асосида диплом спектаклини тайёрлади. Бу спектакл кейинчалик Сурхондарё театрида тикланиб, бир неча йил томошабинлар олқишига сазовор бўлди. 1982 йили Халқаро театр институтининг «К. С. Станиславскийнинг ижодий мероси ва миллий театрларнинг ривожланиши» мавзуидаги илмий семинари айнан, Тошкент давлат Санъати институтининг ўқув театрида ўтказилди. Бу анжуманга 30 дан ортиқ давлатлардан театр санъати педагоглари ва санъат арбоблари йиғилдилар.

1987 йили Москвада ўтказилган навбатдаги диплом спектакллари кўригига Мольернинг «Зўраки табиб» спектакли олиб борилди. Домлалар Т. Ғафуров ва А. Кузин туркман курси студентлари билан яна бир бор II-ўринни олишди.

Институт илмий методогияси миллий мерослар билан бойиганлиги халқаро театр санаъти институтлар кўриги ташкилотчиларини ҳам қизиқтира бошлади. 1991 йили Югославияда ўтказилган кўрикка А. Қаҳҳорнинг «Даҳшат» ҳикояси асосида тайёрланган диплом спектаклини курс раҳбари У. Зуфаров олиб борди. Улар бу анжуманда махсус диплом билан тақдирландилар.

Узбекистон ўзининг мустақиллигини қўлга киритган кундан бошлаб институт ҳаётида ҳам ўзгаришлар содир бўлди. Институт Туркия, АҚШ, Хитой, Ҳиндистон давлатлари маданият бошқармалари билан тузилган ижодий шартномалар асосида тажриба алмашишни йўлга қўйди. Ҳозир мазкур давлатлардан келиб таҳсил олаётган талабалар санъатнинг турли жанрларини қунт билан ўрганаяптилар.

Хуллас, институт 50 йил ичида ҳавас қилса арзигулик катта ижодий йўлни босиб ўтди. Институт ўзининг маданият ва санъат оламидаги нуфузи, тайёрлаган ва етиштираётган мутахассисларнинг салмоғи, кўлами билан нафақат республикамизда балки Марказий Осиё ҳудудида, Россиянинг айрим шаҳарларида, қатор хорижий мамлакатларда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ишонамизки, Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институти бундан кейин ҳам мустақил мамлакатимиз санъатини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаверади.

Маъмур УМАРОВ,
М. Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институти доценти

Раҳим АҲМЕДОВ:

ЧАНҚОҚЛИК СЎНМАСИН

Ҳозирги кунда Санъат институтида кўпгина етук олимлар, мутахассислар, ўз касбининг моҳир билимдонлари талабаларга турли фанлардан сабоқ бермоқдалар. Айниқса, халқ таниган ижодкорларнинг сабоқлари талабаларга манзур бўлмоқда. Чунки улар амалиёт ва назарияни уйғунлаштириб, дарсларининг ҳаётий, жонли чиқишини таъминламоқдалар. Шулардан бир Халқ рассоми, Рассомлар академиясининг мухбир аъзоси Раҳим Аҳмедовдир. Катта юбилей муносабати билан у киши қуйидагиларни гапириб берди.

— Мен 40 йилдан буён шу даргоҳда талабаларга таълим бериб келаман. Утган давр мобайнида қанча-қанча шогирдларим мустақил ижод сари йўл олишди. Дастлабки шогирдларимдан Бахтиёр Бобоев, Игор Лимаков, Евгений Меншиков, Бурмакинларни эслаб ўтишим мумкин.

Очиғи, бугунги мустақиллик даври шароитлари бутунлай ўзига хос. Айниқса, бугун рассомларнинг кўргазмалар уюштириши, ҳар хил байрамлар ўтказишлари анча енгил бўлиб қолди. Ижод қилиш учун мавзу доираси ҳам кенгайди. Хусусан, миллий урф-одатларимиз, қадриятларимизни тиклаш, тарихга чуқур назар ташлаб ҳаққоний ёритиш, бугунги кун нафасини авлодларга етказиш рассомларимиз олдида турган асосий вазифадир.

Шунингдек, илгариги талабалар билан ҳозирги талабалар ўртасида катта фарқ бор. Мен дастлаб иш бошлаган даврлардаги талабалар уруш ортидаги ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, машаққат чеккан кишилар эди. Улар ҳар бир дарснинг, айтилган сўзнинг қадрига етишарди. Ҳозир эса давлатимиз мустаҳкам, юртимиз тинч.

Албатта, бугунги талабаларимиз ҳам сабоқларга жиддий муносабатда бўлмоқдалар. Лекин уларга бугуннинг моҳиятини амалий ишлар ёрдамида тушунтириш, янги даврнинг ўзига хос мазмунини очиб бериш зарур, деб ўйлайман.

Бугун, катта тўй кунлари Санъат институти битирувчилари Узбекистонни жаҳонга танитувчиларнинг олдинги сафларида бораётганларининг фахр билан айтишимиз лозим. Ер юзининг жуда кўп жойларида ўзбек рассомларининг асарлари намойиш этилмоқда. Чет элларда бизнинг ишларимизга қизиқиш ниҳоятда катта.

Рассом сифатида шуни мамнуният билан айтмоқчиманки, бизда реалистик санъатнинг жуда яхши анъаналари чуқур ривож топган. Европа, Осиё давлатларида бу нарса деярли йўқолиб кетган, десак ҳам бўлади. Эҳтимол, шунинг учун асарларимизга чанқоқлик бордир. Ана шундай қизиқиш ҳеч қачон сўнмаслиги учун талабаларимиз ҳамиша билимли, илмга чанқоқ бўлишларини истардим.

Мунира ЖАМИЛОВА
ёзиб олди

Антонина Павловна ХЛЕБУШКИНА

Кекса халқ таълими ходими, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент шаҳридаги 22-болалар уйининг 1942 йилдан буён директори Антонина Павловна Хлебушкина 1995 йил 17 ноябр куни 81 ёшида тўсатдан вафот этди.

Антонина Павловна инсонларга меҳр қўйиш ва ҳамдард бўлиш фазилатига эга бўлиб, ҳамиша болалар қалбига йўл топа олар, уларни ўзига ром қила олар эди. У минглаб болаларни тарбиялаб, ҳаётга йўлланма берди.

Унинг ҳаёти оғир уруш йилларида, сўнгра, тинчлик даврида ҳам, юзлаб етим болаларни бағрига олиб, уларга чинакам она меҳри ва саховатини ҳис этиш, маълумот олиш имконини берган она жасоратининг рамзи бўлиб қолади.

Антонина Павловна Мустақил Узбекистоннинг дастлабки Олий Кенгаши халқ депутати эди. У биринчилар қаторида «Соғлом авлод учун» ордени ва кўплаб ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган.

Ажойиб педагог, минглаб болаларнинг севимли онаси Антонина Павловна Хлебушкина халқимиз ёдида ҳамиша сақланиб қолади.

И. КАРИМОВ,
С. САИДҚОСИМОВ,
Т. АЛИМОВ,
А. АЗИЗХЎЖАЕВ,
Б. УМУРЗОҚОВ,
Ж. ЙЎЛДОШЕВ

РОСТГЎЙЛИК САБОҚЛАРИ

Назаримда, бирор ўқув юртини битирган одам учун талабалик давридан кўра ардоқлироқ, қадрлироқ ва беғуборроқ давр бўлмаса керак. Айниқса, биз — 1959 — 1963 йилларда Тошкент Давлат Санъат институтида таҳсил олганлар энг бахтли авлод бўлганмиз, десам хато бўлмаса керак. Курсдошларим орасида бугун халқимизнинг севимли санъаткорларига айланган Хайрулла Саъдиев, Пулат Носиров, Ҳусан Амирқулов, Асрор Тошкентбоев, Тамара Маҳкамова, Уткир Хўжаев кабилар бор. Бахтлимиз деганимнинг сабаби шундаки, дастлаб институтда Анатолий Зуҳурович Қобулов, кейин Тошхўжа Хўжаев, Лола Аъзамовна Хўжаева каби устозлар сабоғини олишга муваффақ бўлдик. Уқишни тугатиб, Ҳамза номидаги Узбек давлат академик драма театрига ишга келганимда эса Шукур ака, Сора опаларнинг айни кучга тўлган, ижоди барқ урган бир пайт эди. Шунинг учун ҳам биз ишни зўр иштиёқ, катта умидлар билан бошлаганмиз.

Албатта,актёр бўлиш учун, аввало, худо берган истеъдод, ички эҳтиёж керак. Лекин мана шу истеъдоднинг юзага чиқиши, кейинги тақдири, шубҳасиз, институтдаги сабоқлар билан боғлиқ. Чунки институт талабадаги мавжуд истеъдодни йўналтиради,имкониятларини юзага чиқаришда ёрдам беради. Энг муҳими, бу ердаги турли фанлардан чуқур билим берилади, фикрлашга ўргатилади. Шуни ёдда тутиш кераккки, агар актёрда фикрлаш қобилияти бўлмаса, саҳнада бу ҳол яққол кўзга ташланиб қолади. Бинобарин, у ўзи ўйнаётган ролдаги сўзлар тагидаги маънони, яъни коса тагидаги нимкосани ҳис эта олмас экан, томошабиннинг ихлосини қайтариб қўяди. Институтнинг юксак малакали мутахассислари эса ҳар бир талабада ана шу фикрлаш қобилиятининг мустаҳкамланиши йўлида катта, машаққатли меҳнат жараёнини бошдан кечирадилар. Ва бу ҳол кўп йиллар қайта-қайта давом этаверади. Актёрлар институтда интеллектуал шахс сифатида қайта туғилади.

Бир нарсани таъкидлашни истардим. Талабанинг кейинги ҳаёти, ижоди қандай кечиши уни ўқитган педагогларнинг шахсиятига анчагина боғлиқ. Айтайлик, бизга сабоқ берган Анатолий Зуҳурович кўнглида кири йўқ, ниҳоятда покиза инсон бўлиб, ҳар бир одамда аввало яхши томонни кўрарди. У бизнинг курсимиздаги талабаларга ҳам ўзидаги беғуборликни юқтира олди, ҳамиша яхшиликка даъват этиб келди. Худди шундай Тошхўжа ака, ё Лола опа, бошқа кўплаб педагоглар ҳақида ҳам фақат яхши гапларни айтишимиз мумкин. Улар бизни меҳнатга, ҳақиқатга, ростгўйликка ўргатишди. Ҳамон устозларизнинг ана шу сабоқлари бизга йўлдош бўлиб келмоқда. Яна бир муҳим масалани айтиб ўтмоқчи эдим. Санъат институти ҳар бир бўлажак санъаткор учун ҳақиқий маҳорат мактаби бўлиб келди. Бинобарин, биз учун ҳам. Домламиз Тошхўжа Хўжаев шундай дегандилар: «Ҳақиқий санъаткор бўламан, деган актёр битта режиссёрга қараб қолиши керак эмас. У истаган режиссёр билан ишлай олишга қодир бўлиши лозим. Мейерхолд ва Станиславский усули мутлақо икки хил. Лекин актёр уларнинг ҳар иккаласида бир хилда яхши роллар ижро эта олсагина, у том маънодаги санъаткор бўлади». У кишининг бу ва бунга ўхшаш бетакрор сабоқлари ҳамиша ижодимда асосий мезон бўлиб келмоқда. Бирор сабаб билан институт ва унда дарс берган педагоглар ёдимга тушса фақат яхши сўзлар билан эслайман.

Менинг бугун катта тўйини нишонлаётган Санъат институти педагогларига ягона тилагим бор: шу институтни битириб чиқаётган талабалар менга ўхшаб ўттиз йилдан кейин ҳам ўз устозларини фақат яхши сўзлар билан, орзиқиб, миннатдор бўлиб эслаб юрсинлар.

Римма АҲМЕДОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

БАХШИЛАРНИНГ ҲАМ МУАММОЛАРИ БОР

Хоразмда Узбекистон Маданият ишлари вазирлиги халқ ижодиёти, илмий услубият республика маркази ва Хоразм вилояти маданият ишлари бошқармаси ҳамда Рўзмат Мадаминов номидаги жамоа хўжалиги қишлоқ маданият маркази ҳамкорликда ташкил қилган «Давр ва бахшичилик санъати» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Кенгаш қатнашчилари тасаввуф илмининг асосчиларидан бири Юсуф Хамадоний, буюк олим Аз Замахшарий ва Гурланбоғ қишлоғидаги Нажмиддин Кубронинг волидаси Хожар она қабрларини зиёрат қилдилар.

Кенгашни Хоразм вилояти маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Й. Юсупов очди. Кенгашда сўзга чиққан етакчи мутахассислар , таниқли бахшилар асосан бахшичилик санъатининг бугунги муаммолари тўғрисида, уни таълим тизимига киритиш ҳақида гапириб, айниқса, ҳозирги даврда достончилик санъатининг телевидение ва радиода тарғиботи етарли эмаслиги, бахшилар уюшмаси зарурлигини таъкидлаб ўтдилар. Кенгаш якунида берилган концерт дастурида «Гўрўғли», «Хирмондали», «Ошиқ Ғариб», «Саётхон», «Ҳамро» достонларидан парчалар, термалар янгради.

Гулнора ҚУРБОНОВА

БИРЛАШСАК — ЎЗАМИЗ

Боши биринчи бетда

қалқиб турибди. Бундай пайтда оқилона ечим йўлларини топишда маданият арбоблари ташаббусни ўз қўлларига олишлари керак. Бугунги анжуманимиз Узбекистонда ўтаётгани, халқларимизни маданий ва маънавий жиҳатдан яқинлаштириш ташаббуси шу жойда туғилганидан ғоят мамнунман. Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон — умумий уйимиз» халқ ҳаракатини йўлга қўйиш тўғрисидаги ташаббусини биринчилар қаторида қўллаб-қувватлаганман. Узбек биродарларимиз, ўзбекистонлик зиёлиларнинг бу ишлари ҳар жиҳатдан таҳсинга лойиқ деб ҳисоблайман.

Яқинда Парижда ЮНЕСКОнинг 50 йиллигига бағишланган бош конференцияда сўзга чиқханимда бугун биз ушбу залда муҳокама этаётган кўпгина масалалар юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларимни ўртага ташладим. Биз энди бир-биримизга жуда боғлиқ бўлиб қолдик. Воқеаларнинг шиддати, ўзгаришлар, буюк бурилишларнинг оқибати уларок, жаҳон халқлари олдида шундай янги вазифалар кўндаланг туриб қолдики, уларни ҳар ким ўз ҳолича, бир-бирининг ҳаракатларидан бехабар ҳолда ҳал этиши қийин. Тан олиш керак, биз бундай ҳолга жуда ҳам тайёр эмас эканмиз. Мана шу тайёр эмаслик бизни бир-биримизга боғлаб қўйди. Бирлашиш, жипслашиш керак. Жаҳон Марказий Осиёга қараб турибди. Инсоният тараққиётининг буюк даҳолари етишиб чиққан бу минтақа қай йўлдан боради, қай томонга юз буради? Чор атрофидаги улкан кучнилари даврасида ўзининг муносиб ўрнини топа оладими ё йўқми? Саволлар айнан шундай қўйилмоқда. Бу саволларнинг жавоби жуда кўпларни қизиқтирмоқда.

ЮНЕСКО жаҳон халқлари маданиятларини сақлаш борасида жуда катта ишлар қилмоқда. Замонавий тараққиётнинг янги қадриятларини ўзлаштиришда бизга ёрдам қўлини чўзмоқда. Чингиз Айтматовнинг фикрича Марказий Осиё халқлари маданият арбобларининг форуми худди ЮНЕСКОнинг бу ердаги филиалига ўхшаб кетиши ҳам мумкин. Чунки мақсад — маданиятларни, тилларни, урф-одатларни, миллий ва маънавий қадриятларни сақлаб қолиш, асраб-авайлаш ва ривожлантириш. ЮНЕСКО маънавий тараққиётнинг янги уфқларини белгилашда ўзига хос обсерватория ролини ўйнаётган экан, мазкур анжуман ҳам ўз олдига худди шундай улкан вазифани қўйиш керак. Бунинг устига, шуни ҳам унутмаслик керакки, зиёлининг сўзи жамият ва халқ ҳаётида ҳамиша муҳим ўрин тутади. Бу сўз эзгулик сўзи бўлса тараққиётга хизмат қилади, масъулиятсизлик билан носоғлом ниятларда айтилган бўлса, орага нифоқ тушади, элнинг тинчи бузилади. Демак, зиёлининг вазифаси — муаммоларни нуқул санайвериш, уларнинг мавжудлигини таъкидлайвериш эмас, ана шу муаммоларни бартараф этиш ишига муносиб ҳисса қўшишдан ҳам иборат.

Доклад юзасидан музокараларда Узбекистон халқ ёзувчиси Тулепберген Қаипбергенов, Қозоғистон халқ ёзувчиси Абдижамил Нурпеисов, Қирғизистон Республикаси Маданият вазири, халқ артисти Чўлпонбек Бозорбоев, Тожикистон Фанлар Академиясининг академиги Муҳаммад Осимий, таниқли қозоқ шоири Мухтор Шаханов, Узбекистон халқ шоири Иброим Юсупов, «Адабиёт ва санъат» (Тожикистон) газетасининг муҳаррири Асқар Ҳаким, қирғизистонлик адиб Қазат Акматов, қозоғистонлик олим Жабайхан Абдилдин ва бошқалар сўзга чиқдилар. Улар халқлар ва маданиятларни бир-бирига яқинлаштириш, ҳамма учун зарур ва манфаатли бўлган ҳамкорлик алоқаларини тиклаш, халқ бахт-саодати учун куч-ғайратларни аямаслик мақсадларига бағишланган мазкур анжуман ғояларини қўллаб-қувватладилар. Янги ташкилот ишини йўлга қўйиш, унга чинакам ҳаёт бағишлаш борасидаги ўз таклифларини баён қилдилар.

— Инсоният олдида ҳамиша иккита савол туради, — деди Чўлпонбек Бозорбоев машҳур файласуфнинг сўзларини эслаб: «Ким айбдор? Нима қилиш керак?» Биз бугун шу иккинчи саволга жавоб қидиришимиз керак. Ҳаётнинг ўзи жавобни олдимизга қўйди — бирлашиш керак. Фақат шу йўлгина ўзликни сақлаб қолиш имконини беради.

Анжуман қатнашчилари минтақа ва маданий илмий-адабий жамоатчилиги халқаро ҳаракати — «Марказий Осиё халқлари маданият арбоблари ассамблеяси»ни туздилар. Атоқли адиб Чингиз Айтматов ассамблея президенти, Узбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов биринчи вице-президенти этиб сайланди.

Қурултойда Марказий Осиё халқлари маданият арбобларига мурожаатнома қабул қилинди. Анжуман сўнгида беш республика санъат усталарининг катта концерти намойиш этилди.

Анжуманда иштирок этиш учун Тошкентга келган меҳмонлар уч кун давомида Узбекистон пойтахти ҳаёти билан чуқур танишдилар. Шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, бунёдкорлик ишларини бориб кўрдилар. Меҳнат жамоаларида санъаткорлар, ёзувчилар, кино ва театр усталари билан қизиқарли учрашувлар бўлиб ўтди. Пойтахт туманлари ҳокимликлари, бадиий-ҳаваскорлик жамоалари меҳмонларга ҳамма жойда иззат-икром кўрсатдилар. Бир-бирларини соғиниб қолишган кекса адиблар ўзбекистонлик биродарлари билан дийдорлашишди. Ёш ижодкорлар амалий ҳамкорлик режаларини тузиб олдилар.

Тантанали кузатув чоғида «Тошкент бизни қайтадан қовуштирди, энди бир-биримизни йўқотмайлик, бир-биримиздан узоқлашмайлик», деган сўзлар такрор-такрор айтилди.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Узбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитаси шу йил Узбекистон мустақиллигининг 4 йиллигига бағишлаб «Истиқлол: янги давр, янги қаҳрамон» ҳамда ҳамда «Болаларга атаб ёзилган энг яхши китоблар учун» кўрик-танловларини ўтказди. Истиқлол байрами арафасида кўрик-танловнинг ғолиблари эълон қилинди. Яқинда Давлат Матбуот қўмитасида ана шу мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

«Истиқлол: янги давр, янги қаҳрамон» кўрик-танловида ғолиб чиққан таниқли ижодкорлар — Бўрибой Аҳмедов, Нажмиддин Комилов Учқун Назаров, Хуршид Дўстмуҳаммад, Неъмат Аминов, Бахтиёр Омон, Назрулла Жўраев ҳамда «Болаларга атаб ёзилган энг яхши китоблар учун» кўрик-танлови ғолиблари Пулат Мўмин, Сафар Барноев, Анвар Обиджон, Усмон Кўчқор, Рауф Толиб, Вали Аҳмаджон, Жонибек Субҳон, Неъмат Ориф, Олланазар Улугов, Ёқуб Хўжаев, Анвар Собиржонларга Уздавматбуотқўмнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

Узбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитаси раиси Р.Ш.Шоғуломов кўрик-танлов ғолибларига мукофотларни топшираётиб, уларни қизғин муборакбод этди, мустақиллик адабиётини яратиш йўлидаги ижодий меҳнатларига барака тилади. Шунингдек, мукофот соҳибларини Республика «Маҳалла» жамғармаси раисининг ўринбосари Неъмат Абдуллаев ҳам қутлади. Атоқли тарихшунос олим Бўрибой Аҳмедов ва таниқли болалар адиби Пулат Мўмин мукофотланганлар номидан сўзлаб, эътибор ва ғамхўрлик учун ўз миннатдорчиликларини изҳор этишди.

Жуманиёз ЖАББОРОВ

СОЗ БИР НАВО

БАХТИМ МЕНИНГ

Сизни кўрган ҳар соат — бахтим менинг,
Уйингиз остонаси тахтим менинг.

Бир табассум этсангиз байрам бўлур,
Икки дунё жаннати нақдим менинг.

Таъналар бирлан деган ҳар сўзингиз,
Қанд-асал, болу, шакар-шаҳдим менинг.

Ишқу содиқлик аро танҳо ўзим,
Садқангиз бўлмоқ улуғ аҳдим менинг.

Умр маъносини мендан сўрсангиз,
Умр бу — ёрга фидо вақтим менинг.

ДУНЁ БИЛАР

Менки ошиқман, буни дунё билар,
Ул санам, валлоҳки, билмас ё билар.

Билса-ку йўллар эди бир хушхабар,
Қайда тошнинг қадрини тилло билар?

Қайснинг аҳволин тушунгай қайси мард,
Бир уни тоғлар билар, саҳро билар.

Ташналик бағримни ёндирмиш ёмон,
Ташна чўлнинг зорини дарё билар.

Бир умид бирла яшарман доимо,
Бир куни ҳолимни беларво билар.

СОҲИБЖАМОЛ

Чиқди ул соҳибжамол зарҳалланиб,
Эгнида атлас ёниб, машъалланиб.

Қотди ҳайрат аҳли ҳайрат ичра боз,
Бул гўзаллик қошида ҳайкалланиб.

Боғ безанди, лолазор бўлди жаҳон,
Шаҳру қишлоқ бир бутун сайқалланиб.

Кўз тутар йўлингга гулзор, эй гўзал,
Дашту қир, саҳрою тоғ бахмалланиб.

Неча диллар, не гўзаллар зор сенга,
Йўл кутар ороланиб, афзалланиб.

Арзи ҳол этмоққа шай аҳли Ниёз,
Ҳар дақиқа, ҳар нафас маҳталланиб.

АФСОНА ЭТГАЙСИЗ

Лабда асал олу билан, кўзда гўзал жоду билан,
Дилда ғазал-орзу билан — девона этгайсиз мени.

Юз узра дона холингиз, тилларда шаҳду болингиз,
Ўртаб ширин аҳволингиз — мастона этгайсиз мени.

Сиз бир санамсиз эрка-ҳур, қалбимда ёнган тоза дур,
Порлаб гўёким даста нур — парвона этгайсиз мени.

Эсди чамандан шўх сабо, кезмоқдасиз гулзор аро,
Гулдан кийиб рангин қабо — ҳайрона этгайсиз мени.

Оҳу каби ўйнаб боқиб, кўркам хаёл ичра оқиб,
Ошиқ дилин ўтга ёқиб — сўзона этгайсиз мени.

Шайдолигим дунё билар, Ширин билар, Лайло билар,
Тоғлар билар, саҳро билар — афсона этгайсиз мени.

Кўзимда йўқдир уйқулар, кўнглимда сирли туйғулар,
Наҳотки кетмай қайғулар — ғамхона этгайсиз мени.

БУЛ КЕЧА

Бул кеча соз бир наво тузмоқ керак,
Шўх садолар мавжида сузмоқ керак.

Келди дўстлар даврамизга. Марҳабо!
Куй билан ғам кулбасин бузмоқ керак.

Сен гўзаллик қайнаган консан, Ҳаёт,
Ишқ-вафо базмини кўргузмоқ керак.

Яхшиларга жон фидо айлаб мудом,
Нобакорлардан кўнгил узмоқ керак.

Жон нисор айлаб Ватаннинг бахтига,
Эзгуликка элни юргузмоқ керак.

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Таъзим, Ўзбекистон, маъволарингга,
Кўёшу юлдузлик самоларингга.

Тоғларинг сарбаланд бўлсин доимо,
Барокат бахш этиб дарёларингга.

Муаттар, бепаён чамансан олий,
Жаннат ҳавас қилур ҳаволарингга.

Сени шарбат макон яратди тангрим,
Яна олтин сочди саҳроларингга.

Тафаккур оламнинг оламча кенгдир,
Жаҳон қулоқ осур доноларингга.

Гўзаллик маскани, дилбар диёрим,
Кўз тегмасин асло барноларингга.

Бу шеърим юракдан меҳрим садоси,
Бахтлиман жўр бўлса садоларингга.

Ҳар бир авлод адабий жараённи ўзича қабул қилади ва ўзига хос талқин этади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун газетамизнинг ўтган сонларида эълон қилинган профессорлар Умарали Норматов ва Норбой Худойбергановнинг мақолаларини қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган филология фанлари номзоди Раҳмон Қўчқорнинг мақоласи билан қиёслаш кифоя. Раҳмон Қўчқор ушбу мақоласини таҳририятга шахсий мулоҳазалари сифатида тақдим этди ва мақолани ўқиб, таҳририят аъзолари турли хил фикр билдирдилар. Натижада мақолани «Баҳс» рукнида мунозара тариқасида эълон қилишга, муаллифнинг айрим эътирозли фикрларини сақлаб қолган ҳолда, ҳукм-хулоса чиқаришни адабий жамоатчиликка, газетхонларга қолдиришга келишилди.

Гарчи совет даврида яратилган бадиий асарларга билдирган муносабати батафсил, боз устига танқидий йўсинда бўлишига қарамай, Раҳмон Қўчқор ижодий жараённи узлуксиз давомийликда кўради. Ва бир қадар эҳтирос ҳам шиддатли пафос билан адабиётимиз эртаси ҳақида тўлқинланиб фикр айтади. Шубҳасиз, унинг бу мулоҳазаларини кимдир маъқул топар, улар кимдадир эътироз уйғотар. Ҳар не бўлганда ҳам шуниси аниқки, Раҳмон Қўчқор яқин ўтмиш адабиётимиз тақдири ҳақида қанчалик куюниб сўзласа, келажак ўзбек адабиёти ҳақида шу қадар порлоқ ишонч ва умид билдириб гапиради. Муҳими ҳам, аслида шу.

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК БЎЛИМИ

АССАЛОМ, ЭРКИН ИЖОДИЙ РУҲ!

Адабиётнинг яшаш қонуни ҳақида қайдлар

ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

Кейинги пайтда мен суҳбатдош бўлган биродарларнинг саволлари ушбу мақоланинг ёзилишига туртки бўлди. Уларни қийнаётган масала, гарчи ягона бўлса-да, моҳиятига кўра ҳамсуҳбатларни бири катта, бири кичик— икки гуруҳга ажратиш мумкин. Ҳаминқадар бўлган қобилияти китобий нолишлару хитобий мадҳиялардан бошқага ярамаган, ҳозирги шароитда бозори бирдан косод бўлган қаламкашлар. «Мана сизга бозор иқтисодиёти, — дейишади улар. — Ахир, ёзувчининг, шоирнинг қадри сақич сотиб ўтирган пуршанданикича эмас. Бизга бўлган аввалги эътибор, ғамхўрликлар қани?..» Ва улар, албатта, «Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман» деган иборани ўзларининг ҳасратларига илова қилиб қўйишади.

Уларга қарата: «Худо хайрингизни берсин, таъбингиз тилаганини қилинг — дўкон очинг, фермер бўлинг, ўзингизни ва оилангизни боқинг. Сизга ачинмаган адабиётга сиз ҳам ачинмай қўя қолинг. Сиздан авваллроқ ҳаракатини қилиб, сизда ҳавас уйғотган бўлажак ҳамкасбингиз ташлаб кетган ва сиз ташлаб кетмоқчи бўлган қалам, аслида, санъат қадрини якка мафкура тарозисига мослаб олган даврлар адабиёти ёрган ўтиндан ясалган. Бу қаламлар уюми устида аза очиб ўтиришга шахсан менинг вақтим йўқ. Кўзимга ёш келмаяпти, кечирасиз...»,— дегинг келади.

Жиддий мулоҳазага бўлса туғма истеъдод ва изловчан фикрга эга дўстлар ташвиши ундайди: «Тирикчилик-ку бир гап бўлар, — дейди улар. — Бироқ ёзган нарсаларимизга муносабат қандай бўлади. Адабиёт қайси йўллардан кетаркан?»

Бу саволларга баҳоли қудрат жавоб излаш учун, тасаввурни реаллаштириш мақсадида кичик бир рамздан фойдаланамиз: «ҳаётни, мавжуд ва кутилаётган реалликни, дейлик, бир поезд деб хаёл қиламиз.

КЕЧА

Шўро даври адабиётига холис назар ташласак, унинг бошидан ўтган тажрибаларни кузатсак, ажабмаски, ҳозирги кунда адабиётимиз қаерда турганини, уни келажакда нималар кутаётганини тахмин этиш мумкин бўлар.

А. Қодирий романлари, сатирик ҳикоялари, Чўлпоннинг дастлабки уч шеърий тўплами ва публицистик мақолалари, Ҳамза ва Фитрат драмалари, хуллас, 30-йилга қадар яратилган асарлар нисбатан ижодий эркинлик кучда бўлган, ҳали социалистик реализм урфга айланмаган давр маҳсулларидир. Реалликни реал бадиий акс эттириш ва уни реал матбуотда чиқариш имкони бўлгани туфайли Чўлпон:

Қип-қизил қон бўлиб кунлар ботадир,
Ёмон ҳидга тўлиб тонглар отадир —

дея ёза олди. Чўлпон ва Фитрат каби ёзувчилар асарларининг ғовлаб бораётган танқиди, 1926 йилда А. Қодирийнинг СУЗ учун ҳибсга ташланиши, иноғомовчилик, ўн саккизлар иши, қосимовчилик ва бадриддиновчиликнинг «фош этилиши» каби компаниялар билан бошланган реалликни гоҳ қон, гоҳ ранг билан бўяш ҳаракатлари 30-йилдан кейин кучайди. Энди реаллик поездининг нафақат локомотиви, балки вагонларига ҳам катта-катта плакатлар, шиорлар ёзилган латталар қоқилди. Пўлат ғилдираклар эзғилашидан пайдо бўлаётган фарёд овозини эшиттирмаслик мақсадида социалистик симфония баралла янгради.

Шу тахлит шиддат-ла кетаётган поездга тўғаноқ бўлмаслиги, халокат олдини оламан деб нуқул «стоп-кран»ни тортиб халақит беравермаслиги учун санъат ва адабиётга реаллик ёнидан янги из қуриб берилди. Бу пўлатдан қуйилган, ўлчовлари аниқ чегараланган изга ҳам жимжимали ном танланди (1934 йил, шахсан Сталиннинг таклифи) — социалистик реализм!

Адабий-эстетик қарашлари айни шу йиллари шаклланган, ижодий фаолияти шу пайтдан бошланган янги авлоднинг (Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, Ойбек, М. Шайхзода, Ҳ. Олимжон ва бошқалар) асосий асарлари пафосини реаллик билан айни шу ҳолда муносабатга киришиш шароити белгилади. XIX асрнинг иккинчи ярми адабиётидек реализмнинг теран тажрибаларига эга бўлган рус адабиёти вакиллари ҳеч бўлмаганда хорижга чиқиб, холис ижодни давом эттира олдилар. (Бунин, Горкий, Солженицин, Бродский.). Мамлакатда қолган бошқа истеъдодли адибларнинг ҳам бутунлай ижодий айнишдан сақланишларига айни ўша реализм тажрибалари озми-кўпми гаров бўлди. (А. Толстой, М. Булгаков, А. Ахматова, К. Симонов, В. Катаев, М. Зощенко ижоди). Чин маънодаги реализмни энди-энди ўзлаштира бошлаган бизнинг адабиётимизга бўлса бирданига унинг сунъий урчитилган қиёфаси — соц.реализм ягона тўғри ижодий йўл сифатида тиқиштирилди. (Хорижга кетган айрим адибларнинг ғоявий ва бадиий примитив нарсалар ёзишдан нарига ўта олмаганлари ҳам айнан шу билан — миллий реалистик анъаналар шаклланиб улгурмагани билан изоҳланса, ажаб эмас.) Бу адабий йўлланмага кўра дунё ва тирикликнинг, инсон ва руҳнинг моҳияти гўё аниқлаб берилган, бу борада изланиб, қийналиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат, дўстлик ва хиёнат туйғулари фақат китобий тушунчалар саёзлигида англашилар, шунда ҳам фақат ҳоким мафкурага мос талқинларга рухсат этилар эди. Ҳатто севгидек мутлақо интим, хусусий туйғулар ҳам бутун бошли достонлар, қисса ва романларда мавжуд ижтимоий-сиёсий қадриятлар мезони билан талқин этилди, вафо ва садоқат қаҳрамонларнинг синфий дунёқарашига қараб тақсимланди. Реаллик йўлидан куч билан кўтариб ташланган Чўлпон («Соз» тўплами) ва Қодирий («Обид кетмон») «бир хас каби» шу икки йўл оралиғида чирпирак бўлдилар, охир-оқибат пўлат ғилдираклар уларни ўз домига тортди. Қолган ижодкорларнинг ҳам юзаки қараганда бахтиёр ҳаётлари замирида улкан истеъдод фожиалари яширинган эди. Фақат шахсий, индивидуал реаллик-ла юрак ютиб тўқнаш келинган пайтлардагина асосий «асарлар»дан кескин фарқланувчи санъат намуналари яралиб қоларди. (У. Носирнинг айрим асарлари, Ҳ. Олимжон ғазаллари ва «Ҳол» шеъри, Ғ. Ғуломнинг «Шум бола»си, «Сен етим эмассан», «Соғиниш», «Осмон тўла юлдузлар» сингари шеърлари, А. Қаҳҳорнинг «Ўтмишдан эртаклар» қиссаси, Ойбек лирикаси, Миртемирнинг «Сурат» поэмаси, М. Шайхзода драмалари ва бошқалар).

Сталинизм тарих саҳнасидан тушгандан сўнг бадиий ижод бир оз эркин нафас олишга ўтди. Унчалик чуқур бўлмаса-да, инсонга, унинг ички оламига назар ташлаш ҳаракати туғилди. Талқинда, кескин бўлмаса-да, барибир ўзгариш, ўзгачалик тамойиллари сезилди (О. Ёқубовнинг «Улуғбек хазинаси», «Диёнат» романлари, А. Мухтор, П. Қодиров, Ў. Умарбеков, Ў. Ҳошимовнинг айрим қиссалари, С. Аҳмад ва Ш. Холмирзаев ҳикоялари, А. Орипов, Э. Воҳидов, Р. Парфи шеърияти). Адабиёт инсонлаша бошлади, асар марказида инсон мафкура билан ўрин алмашди.

70—80-йилларда адабиётга кирган авлод бўлса бу тамойилларни кучайтирди. Шахсга мурожаат, ўз-ўзини тафтиш, дунё ҳақиқатлари билан шахсий ҳақиқатлар тўқнашувининг асарларда акс этиши реализмнинг тобора чуқурлашаётганидан далолат эди. Бу асарларнинг лирик ва эпик қаҳрамони ўзи мансуб бўлган реаллик билан муроса қилолмас, у ёки бу томон бир-бирини инкор этар эди. (Ш. Раҳмон, У. Азимов, Х. Даврон шеърияти, М. М. Дўстнинг «Галатепага қайтиш», Ҳ. Султоновнинг «Ёзнинг ёлғиз ёдгори», Т. Муроднинг «От кишнаган оқшом», Э. Аъзамовнинг «Жавоб» қиссалари.) Бу авлод миллий тафаккурнинг ўсиши, оммада гражданлик туйғуларининг кучайишида ҳам сезиларли рол ўйнади.

БУГУН

Тўғри, «қайта қуриш» номи остида тарихга кирган қисқагина даврда катта санъатга дахлдор асарлар нисбатан кам яратилди. Бироқ, бу босқич келажак ижод тақдирида, миллатнинг ўзлигини танувида беқиёс муҳим ўрин тутади. Худди шу жараён туфайли қадрият ва тушунчаларнинг қайта баҳоланиши, янги қадрият ва тушунчаларнинг пайдо бўлишига йўл очилди. Санъат эркинлик шароитида яшаш кўникмасини, жуда шошиб бўлса-да, ўзлаштириб олишга улгурди. Бадиий тафаккур ўзидаги беқиёс имкониятларни ҳис қила бошлади, унинг реаллашув — изҳор йўллари сон-саноқсиз эканини биринчи бора ўзи учун узил-кесил кашф қилди. Албатта, бу жараённинг тезлашувида дунё этикасининг илғор тамойиллари билан эркин танишув ҳам кучли туртки бўлди.

Ҳозирги кунда ҳам шеърият, ҳам наср, ҳам адабиётшуносликда бир-бирига ўхшашни хоҳламаган, ягона манзил — руҳ мамлакати томон турли сўқмоқлардан мустақил йўлга тушган кўплаб ижодкорларимиз бор. Юқорида тилга олинганлар қаторида шеъриятда М. Юсуф, А. Қутбиддин, Э. Шукур, Иқбол, С. Ашур ва бошқаларни, насрда бўлса Х. Дўстмуҳаммад, Н. Эшонқулов, Исажон Султон ва яна ўнлаб ижодкорларни санаш мумкин.

ЭРТАГА

Хўш, адабиётни эртага нималар кутаяпти?

Асосида бозор иқтисоди ётган ижтимоий-маиший ҳаёт, тараққиётнинг мусбат ва манфий кўринишларини ўзида жамлаган мураккаб маданий турмуш таркибида оммавий ва радикал, индивидуал қиёфага эга бўлган эстетик оқимлар аралаш яшайверади. Ижод қилиш, санъат яратиш соф кўнгил ва ирода иши бўла бошлаши туфайли қаердандир ва кимлардандир нималардир кутиш мантиқсизлик экани тобора англашилиб борилади. Чунки, яккамафкура давридаги сингари адабий мафкурабозликдан, уни рағбатлантиришдан ҳеч ким манфаатдор бўлмайди. Энг асосийси, санъат реаллик аталмиш поезд билан бир изда, унинг энг кучли вакиллари изнинг олдинги жабҳаларида боради. Ижодкорда реаллик билан холис юзма-юз келиш, тўқнашиш ёхуд ундан қочиш имконияти пайдо бўлади. Поезднинг бутун залвори, вагонларда (жамият поғоналарида) юз бераётган воқеа-ҳодисаларнинг бор мураккаблиги ёзувчига ҳеч қандай безаксиз рўбарў келади. Руҳнинг синалиш, ўз-ўзини синаш имкониятлари, шу синов жараёни ва таассуротларини ҳис қилиш кўлами кенгаяди — руҳ жилва қила бошлайди.

Тўғри, ижодкорнинг иқтисодий аҳволи ҳар доим ҳам мўътадил, яхши бўлишига ҳеч ким кафолат бермайди, балки ижодкор тирикчилик ўтказишнинг турфа йўлларидан фойдаланишга мажбур ҳам бўлади. Оммавий санъат нисбатан харидоргир бўлгани ҳолда, хос санъат унинг фарқига борувчи сара мухлислар томонидангина қадрланади. Бу муносабатнинг ҳажмидан кўра моҳиятига эътибор кучаяди. Санъатнинг изланиш йўллари, ўзини исботлаш усуллари кўпаяди. Реаллик поездининг юмшоқ вагонларидан оммавий санъат вакиллари — детектив, фантастик (рамзий эмас!), енгил маиший, хуллаcи беллетристик мавзулар ижодкорлари жой эгаллайдилар. Улар орасида локомотив хизмати учун махсус ушлаб туриладиган бир неча бадиий-техник ходимлар ҳам, албатта, бўлади, бироқ энди уларнинг бор-йўқлиги деярли сезилмайди. Умумий вагонлардан халқона йўлда ёзадиганлар ва ёзишдан бошқа нарса қўлидан келмагани туфайлигина баҳоли қудрат ижод этиб юрувчи самимий инсонлар жой оладилар, маълум манзилга қадар борадилар. Катта истеъдодлар бўлса, ўзларининг ижодий қуввати фақат поезд генераторига боғлиқ бўлмагани, Яратган томонидан руҳига жойланган илоҳий куч туфайли поезддан анча илгари юрадилар, уни яхлит, ҳар томонлама кузатиш ва у ҳақда, нисбий бўлса-да, янги хулосалар чиқариш имкониятига эга бўлишади. Боя айтилганидек, улар поезд билан бот-бот тўқнашадилар, тўқнашувга қадар ва тўқнашиш жараёнидаги оний лаҳзалар улкан руҳ полотнолари шаклида абадият учун қолдирилади. Ижтимоий-сиёсий буюртмалардан ақли ва қалби холи бўлган ёзувчи энди УЗИНИ ва ўзига жуда яқин ва таниш нарсани ёзишга қизиқади, шу нарса унинг ижодий безовталиги асосини ташкил этади. Худди шундай шароит бизда ҳам «Жиноят ва жазо», «Мартин Иден», «Азизим», «Қизил ва қора», «Ой ва сариқ чақа» сингари шафқатсиз реалистик асарлар яралишига, саналган асарларни мутлақо такрорламай яралишига замин бўлади.

Дунё қаршисига, савол билан эркин юзма-юз чиқиш асарлардаги фалсафий изланишлар ҳиссасини оширади, Аллоҳдан бошқа ҳамма нарса ва ҳодисалар, барча ҳақиқатлар нисбий экани чуқур ва ранг-баранг бадиий талқинлар билан исботланади. Ниҳоят, бизда ҳам тасаввуфдан сўнг биринчи маротаба ижодкорнинг яхлит, хусусий дунёга қараши, фалсафаси, ижодий концепцияси ҳақида гапириш мумкин бўлади. Моҳияти, нисбий бўлса-да, англанган реалликдан, «озодликдан қочиш» тамойиллари, ишонаманки, бизнинг санъатга ҳам ёт ҳодиса бўлмайди. Эркин бадиий тафаккурнинг умуминсониятга хос муштарак табиати менга бундай фикр юритиш имкониятини беради (Классик Шарқ ва Ғарб, замонавий Оврупо ва Лотин Америкаси адабиётидаги катта умумийликларни эсланг). Албатта, миллий шаклда, албатта, оригинал талқинда, албатта бошқа ном билан бизда ҳам М. Пруст, Ф. Кафка. У. Фолкнер, Киеркегор, Ж. Оруэл сингари ёзувчиларни ўйлатган мавзуларни ёритувчи асарлар пайдо бўлажак.

Адабиётшунослик ҳам нуқул адабиётнинг орқасидан борувчи, шарҳловчи ва изоҳловчилик ролидан қутилиб, автоном санъат турига, дунёга катта фалсафий ва эстетик фикр берадиган тафаккур соҳасига айланади. Энди адабий асарни филологик мезонлар билангина таҳлил қилиш унинг ягона вазифаси бўлмай, балки санъат учун янги-янги мавзулар, муаммолар таклиф этиш, ундан-да олдинда юриш адабиётшуносликнинг хос жиҳатига айланади. У фалсафага яқинлашади, тўғрироғи, чуқур фалсафани ҳам ўзида акс эттиради, инсон ҳақидаги фикрни ўзида синтезлайди...

Тақдирини бозор иқтисодиёти билан боғлаган аксарит илғор мамлакатлар тажрибаси, босиб ўтган йўли айни шу манзараларни кўрсатмоқда.

Менингча, энди руҳдан бошқа бирорта манфаат томонидан бошқарилмайдиган, руҳдан ўзга ҳеч ким ва ҳеч нимaнинг кўзига ва кўлига қарамайдиган чин адабиёт ва ҳақиқий санъат яраладиган даврлар бошланади. Китобий ва сунъий қадриятлар-ла боқилган, илиқ ошёнларда мудрашга ўрганиб қолган дангаса руҳ, алвидо! Ассалом, доимий қийноқ ва синовлардан чўчимас,.. абадий безовта, ..эркин ва озод ИЖОДИЙ РУҲ!

Раҳмон ҚЎЧҚОР,
ТошДУ докторанти

Қозоқбой МАҲМУДОВ

ҚАДИМГИ ТУРКИСТОН

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

Инсоният маданий ҳаёт кечира бошлагандан бери, аниқроғи, одамларда нутқ пайдо бўлиб, ўзаро муносабат ривожланиши натижасида истиқомат этаётган маконни, табиат ҳодисаларини англаш зарурати туғилгач, жуғрофий тушунчалар ҳосил бўлган. Бу тушунчалар макон номларининг пайдо бўлишига олиб келган. Жуғрофий номлар табиий шароитга, этник гуруҳларга, ҳаракат ва ҳодисаларга нисбатан, шунингдек, маълум этник гуруҳлар тилининг объектив қонунлари, баъзан субъектив қонунлар асосида ҳосил бўлади.

Туркистон ўлкаларининг номи ҳали аниқ бўлмаган даврларда ватанимизнинг номи табиат манзаралари орқали тавсифланган. Жумладан, эрамиздан олдинги минг йилликларга доир «Авесто» номли диний ёзма обидада тасвирланишича, Туркистон ўлкаларининг жуғрофий ўрни тоғлар билан ўралган, бир томони текисликдан иборат бўлган. Тоғлари сервсув, оқар дарёлари денгизларга, кўлларга қуйилган. Бу ўлкаларнинг марказларида қумлик чўллар ҳам бўлган. Дарё бўйларидаги тўқайзорлар, чўл ва қумли майдонларда ёввойи ҳайвонлар, турли қушлар учраган. «Авесто»да эсланган қадимий ўлкаларимизда яшаган саклар (сақлар), ҳунлар ўз юртларидаги дарёларни Як сарт ёки Як ўкуз (Амударё), Ук сарт ёки Инжу ўкуз (Сирдарё), Тин (Дун), Итил (Волга) каби номлар билан атаганлар. Милодий санадан аввал Бухоро, Мароканд, Чоч, Чуст, Қуба (Қубба) каби шаҳарлар номлари ҳам истеъмолда бўлган. Шунингдек, милодий санадан аввал ташкил топган хунлар империяси қолдиқларида Қангқа, Илак каби сиёсий уюшмаларнинг номлари ҳам маълум эди.

Умуман айтганда, бизнинг Туркистон ёки Туронда уч минг йиллар оша яшаган қавмларнинг номлари «Авесто», қадимги Хитой, Юнон, Ҳинд, Тибет, араб, арман ҳамда ўзимизнинг туркий ёзма обидаларимизда турли даражада ифодаланган.

«Авесто»да тур ёки туро сўзи кўчманчи, чорвадор халқлар маъносида қўлланган. Бундан ташқари, тур ёки туро сўзи чўл, макон маъноларини ҳам англатган. Шунингдек, қадимги Туркистон ёки Туронда саклар ва хунлар ҳам яшаган. Қадимги Хитой халқлари хунлар (хулар) билан бундан уч минг йил илгари тўқнашганлар. Улар бундан икки минг беш юз йил аввал ҳамда милодий сананинг бешинчи асрларида ҳам ўзаро сиёсий муносабатда бўлганлар. Хитойлар милодий санадан аввал хунларнинг аждодлари саклар (сақлар) ёки скифлар билан муносабатда бўлиб келганлар, сакларни ўз тилларига мослаб сай, деб атаганлар. Қадимги Хитойнинг «Бейши» номли ёзма обидасида ҳам қирқ тўртта хунтурк қабиласи (аждодлари) номи тилга олинган, Тур номи билан аталиб қабилалар иттифоқини ташкил қилганлиги айтилган. Тур ёки Туро ингичка талаффуз қилинган. Тур ёки Туро қавмлари бутун Туркистонда ҳамда Қора денгизнинг шарқи-шимолида яшаганликлари ҳақида хабар берилган. (99-боб, 19-бет) Қадимги Хитой ёзма манбаларида сай (сақ), Тур ёки Туро қавмлари ҳақида таъкидланган бўлса ҳам, Туркистон ёки Турон атамаси учрамайди.

Бехустун қоя тошида ҳамда Нақши Рустам ёзма обидасида қадимги Эронда Аҳмонийлар сулоласининг дастлабки даврларида — милоддан аввалги олтинчи-бешинчи юз йилликларда кўҳна Туркистон ўлкаларида яшаган сак (сақ) қавмларининг номи зикр этилган. Ўша давр Эрон тилида коф (к) товуши бўлмаган, шунга кўра, Бехустун ҳамда Нақши Рустам ёзма обидасида сақ сўзи — к ундоши билан сак кўринишида битилган. Шунингдек, Хуросонга ўрнашган саклар юртини Сакистон сўнгра Сижистон, Сийистон деб аташ юз берган, эронийлар қадимги Туркистонда яшаган сак қавмларини ўз тилларида кўл ва денгиз бўйи ва орти саклари, дарё бўйи саклари (сака-тиай тара-дарайя), узун қалпоқли саклар (сака-тигра хаууда); Шоҳ Омар-скиф деб, саклар юртини ҳам шу номлар билан атаганлар.

Қадимги юнонлар милоддан аввалги олтинчи-бешинчи асрлардан бошлаб Қора денгиз, Кавказ ўлкаларида, Туронда яшаган саклар билан сиёсий-иқтисодий, маданий алоқаларда бўла бошладилар. Шунга кўра, юнонийлар эронийлардан бошқа халқларни скиф деб юритдилар. Скифлар ҳақидаги дастлабки маълумотлар милодий санадан аввалги бешинчи асрда яшаган юнон тарихчиси Ҳеродот (Герадот) асарларида акс этган. Эрон ва Туроннинг жанубий ўлкалари Искандар Мақдуний томонидан босиб олингандан сўнг бутун Марказий Осиёдаги, Қора денгизнинг шарқи-шимолий қисмидаги, Кавказ тоғларидаги ва Каспий денгизнинг шарқий бурчагидаги ўлкаларни Скифия деб аташ юз берган. Марказий Осиё халқларини скиф ёки искиф деб аташ милодий сананинг тўққиз, ўнинчи асрида яшаган Ал-Хоразмий асарида ҳам учрайди, эрамизнинг 745-850 йилларида ҳукмронлик қилган тўққиз ўғузлар ёки қадимги уйғурлар давлати Искифия деб аталган.

Шарқий Туркистоннинг Турфон туманида археологик қазишмалар олиб борилаётганда, аёл киши қабри очилиб қолган, қабрдан суғд ёзувида битилган хат топилган. Хатда бу аёл Туркистон ўлкасидан келган деб кўрсатилган, Бу ҳужжатда Туркистон номи билан бирга Зарафшон дарёси, Самарқанд шаҳри эсланган. Хат 639 йили, Кўк турклар империяси даврида ёзилгани аниқланган. Кўк турклар даврида Туркистон биргина Зарафшон водийсидан иборат бўлмаган, ўша даврда туркий қавмлар яшаган ўлкалар ҳам Туркистон номи билан аталган бўлиши мумкин.

X-XI асрда яшаган Абул Фазл Байҳоқийнинг Туркистон тарихига бағишланган ўттиз жилдлик асарида Туркистон номи Марказий Осиёда яшаган туркий қавмлар маконига нисбатан қайта-қайта қўлланган, зарур ўринларда Амударё ҳамда Сирдарё оралиғидаги ўлкаларга нисбатан Мовароуннаҳр номи истеъмол этилган. Бундан ташқари, XI-XII асрда Мажидиддун Аднойи ўзининг «Тарихи мулки Туркистон» асарини ёзган. Бу асарнинг номи қадимий ватанимиз Туркистон номи билан машҳур эканлигидан дарак беради. Мутафаккир шоиримиз Юсуф Хос Ҳожибнинг 1069 йилда битилган «Қутадғу билиг» қомусий асарининг кириш қисмида ҳам буюк ватанимизнинг Туркистон номи зикр этилган: «Мочин олимлари ва ҳакимлари қамуғ иттифоқ бўлдиларким, машриқ вилоятинда, Туркистон элларинда Буғрахон тилинча бу китобдан яхшироқ ҳаргиз тасниф қилмади».

Туркистон номи кейинги давр ёзма манбаларида кенг қўлланган. Айниқса, XVIII-XX асрларда яшаган олимларнинг, жумладан, Мулла Олим Маҳдум Ҳожи, Заки Валидий Тўғон асарлари Туркистон номи билан боғланган.

Ватанимизнинг Турон деб аталиши даврлар оша тарихан этник гуруҳ ҳамда жуғрофий номларга бориб тақалади. «Авесто»да зикр этилган Тур ёки Туро сўзлари асосида Турон атамаси ясалган.

Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сида ўлкаларимизнинг Турон номи қўлланган. У тур сўзига - ан қўшимчаси қўшилиб ясалган. «Қутадғу билиг»да қўлланган «Туркан қути» ибораси, «Ҳибатул ҳақойиқ» ёзма обидасида баҳодирлар маъносини ифодаловчи эран сўзи формаси каби Турон атамаси ҳосил бўлган. Турон сўзи туркий тил қонунига кўра, ингичка талаффуз қилинган, дастлаб чорвачилик касбига нисбатан қўлланган, сўнгроқ эса жуғрофий ном маъносини ифодалаган.

Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» сида Тур сўзи Афросиёбнинг отаси исми сифатида ишлатилган, Тур-Афросиёб шахс номи тарзида ифодаланган, Турнинг отаси Фаридун деб кўрсатилган. Фаридун эса Эроннинг афсонавий Пешодий сулоласининг тўртинчи шоҳи Жамшиднинг ўғли деб таъкидланган.

Турғун Олмос кўҳна хитой ва араб ёзма манбаларини, қадимги юнон муаррихлари асарларини ўрганиб, Туркистон тарихига доир «Уйғурлар» номли китоб ёзди ва 1989 йили Қашқарда уни нашр қилдирди. Муаллиф милоддан аввалги даврда яшаган Тур ёки Туро халқи таркибида қадимги уйғурлар, ўғузлар ҳамда бошқа туркий қабилалар кирган деб кўрсатган, шунингдек, Тур халқини шарқий ҳамда ғарбий гуруҳлардан иборат деб таъкидлаган.

Турон номи туркий қавмлар яшаган макон тарзида кейинги даврларга оид тарихий, бадиий асарларда Туркистон сўзи билан тенгма-тенг қўлланадиган бўлиб қолди. «Шоҳнома»дан кейин битилган бадиий ёзма обидаларда бу атама ҳозирги Ўзбекистон, Қирғизистон ҳамда жанубий Қозоғистонга нисбатан истеъмол этилган.

Буюк соҳибқирон Амир Темурнинг «Темур тузуклари» асарида қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин: «Шоҳруҳ:

— Мен туркларнинг қонунларида ўқиган эдимки, жаҳонда бешта шон-шавкатли подшоҳ бордир. Уларнинг улуғворлигини ҳурматлаб номларини атамай лақаблари билан айтадилар: Ҳинд подшосини — рой, Рум подшосини — қайсар, Хитой ва Мочин подшосини — фағфур, Туркистон подшосини — ҳоқон, Эрону Турон подшосини — шаҳоншоҳ дейдилар. Шаҳоншоҳ ҳукми ҳамиша Ҳиндистон мамлакатларида жорий этиларди. Ҳозир Эрону Туронзамин бизнинг қўлимизда бўлгани учун Ҳиндистонни ҳам фатҳ этмоғимиз лозим».

Асрлар оша Туркистон ҳамда Турон сўзлари жуғрофий ном тарзида маъно жиҳатдан кенгайиб борган. Шунингдек, барча туркий қавмлар ҳамда тожиклар яшайдиган ўлкаларга нисбатан Туркистон ҳамда Турон номини истеъмол қилиш жорий бўлган. Ҳозир ҳам илмий жамоатчилик орасида Туркистон, Турон номини таъкидлаш давом этмоқда. XIX ва XX аср бошида Ғарбий Туркистон, Шарқий Туркистон ҳамда Жанубий Туркистон иборалари истеъмолда бўлди. Ҳозирги Туркистон Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистонни, Хитой ҳукмронлиги остидаги Шарқий Туркистонни, Афғонистон қўл остидаги Жанубий Туркистон ўлкаларини ўз ичига олади.

Турон номи ҳам XIX ва XX аср бошларида жуда кенг жуғрофий майдонларга нисбатан қўлланган, шунга кўра, у туркий халқлар яшайдиган — Ғарбий Туркистон, Шарқий Туркистон, Жанубий Туркистон, Хуросон ўлкалари, Бошқирдистон, Татаристон, Шимолий Кавказ, Озарбайжон, Эрон, Туркия, Ғарбий Сибир, Олтой ўлкаларини қамраб олади. Ҳозирги Туркистонда ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, уйғурлар, қорақалпоқлар, тожиклар, шунингдек, турли сабаблар туфайли кўчиб келган оврупалик халқлар ҳам яшаб келмоқда. Тарихан Туркистон ўлкаларининг сиёсий, ижтимоий, маданий, маънавий ҳаётида ҳозирги Ўзбекистон халқи етакчилик қилган, бу ҳолат қорахонийлар, Хоразмшоҳлар, Чиғатой хонлари, темурийлар, шайбонийлар, аштархонийлар, манғитлар, қўнғиротлар ҳамда минглар даврида ҳам бугунги Ўзбекистон ҳудудида давом этган. Сирасини айтганда, Туркистоннинг бутун ўтмиши Ўзбекистон тарихи билан узвий боғлиқдир.

Туркистон ўлкасидаги халқларнинг маданий, ижтимоий, диний, маънавий, иқтисодий ҳаётини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Уларнинг миллий қадриятлари, маънавиятлари, удумлари, диний эътиқодлари ҳам бирдир. Туркистон халқлари бир-бирлари билан қариндош, илдизи бир дарахтнинг бутоқларидир. Тожиклар, умумтурк қавми билан минг йиллар мобайнида қуда-қудағай бўлиб келган, ўзаро аҳил-иноқ яшаган. Ихтилофга бормаган. Шунингдек, Туркистон зиёлилари тожик адабиётини, тилини ҳавас билан ўрганганлар, айни чоғда, тожик халқи ҳам туркий қавмлардан ўзбек адабиётини, тилини ҳурмат билан ўрганиб келган. Шунга кўра, зуллисанайн ёзувчилар, шоирлар, адибу олимлар етишиб чиққанлар. Қорахонийлар даврида шаклланган туркий тил, туркий адабиёт XV аср бошларига қадар бир адабий тил ва бир умумий адабиёт тарзида давом этган.

Умумтуркий тил XV асрдан бошлаб, айрим тил ҳодисаларига биноан, икки йўналишга бўлинган. Марказий Осиёда, Волга бўйида яшаган туркий халқлар анъанавий қорахонийлар даври адабий тилини давом эттирган ҳолда Шарқий турк тилларида баъзи фонетик жараёнлар юз берди, тиш-танглай, лаб-тиш — қоришиқ сонор — н каби ундош товушлар: азақ (айақ), а (ов), қун (қуй) каби сўзларда истеъмолдан чиқди. Шунингдек, туркий сўзлар бошида — т ундоши бир гуруҳ: тур, тор, тил каби сўзларда жарангсиз ҳолда шарқий адабий тилда давом этди. Туркий тилларнинг ғарбий лаҳжасида эса — т ундоши жаранглашиб дур, дор, дил каби сўз вариантлари пайдо бўлди. Грамматика соҳасида эса, кўрмадук киши, қилтачи иш, келигли қиз каби бирикмаларда — дук — тачи, — гли каби сифатдош формалари туркий тилларнинг шарқий гуруҳида истеъмолдан чиқди.

Ғарбий гуруҳ туркий тиллар XV асрдан сўнг ўғуз қабила тилларининг таъсирига кўра шаклланган. Ғарбий гуруҳга оид туркий тиллардаги айрим сўзларда — дук қўшимчаси билан ифодаланган сифатдош формаси сақланган.

Туркий тилларнинг шарқий гуруҳ адабий тили ёки чиғатой улуси номига нисбатан қўлланган адабий тил XX асрнинг бошига қадар ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар, татарлар, бошқирдлар, қорақалпоқлар, уйғурлар учун хизмат қилган. Шарқий гуруҳга мансуб бу туркий қавмлар чиғатой улуси тилини ўзларининг анъанавий адабий тили деб ҳисоблаб келдилар. Шарқий адабий тил сингармонизм қонунига асосланган. Имло қоидалари ҳам сингармонизм қонуни асосида шаклланган муқобил хусусиятларга эга. Араб ёзуви туркий тилларининг фонетик қонунига тўла мос келмаса ҳам, анъанавий туркий талаффузга риоя қилинган ҳолда эски туркий, эски ўзбек тилида ҳамда ўзбек тили шеваларида тўққизта ёки ўнта унли товуш ёки фонема мавжуд бўлган ҳолда шу қонунга мос ундош товушлар қўлланган. Шунингдек, қардош туркий халқлар ҳам араб ёзувидан фойдаланган.

Умуман айтганда, Туркистонда яшаган туркий халқларнинг анъанавий тили яқинлигини, илдизи бирлигини, ўзбек тилининг бир гуруҳ шеваларида сингармонизм мавжуд эканлигини, мумтоз ўзбек адабий тили ҳам сингармонизм қонунига асосланганлигини инобатга олиш зарур. Ҳозирги ўзбек адабий тили мумтоз адабий тилимизнинг фонетик қонунларига риоя қилса, қардош туркий тилларга янада яқинлашган бўламиз. Шунингдек, ўзаро боғлиқ томонларини инобатга олган ҳолда келажакда мумтоз адабий тилимизни тиклаш зарур деб ўйлаймиз. Бу иш амалга ошса, мумтоз адабий тилда битилган ёзма манбаларни ўрганиш, қайта нашр қилиш имкониятига эга бўламиз. Шунга кўра, ҳозирги ўзбек тилининг имло қоидаларини мумтоз адабий тилимизга асосланган ҳолда қайта кўриб чиқиш зарурати туғилади, грамматик кўрсаткичларнинг ҳар икки варианти сингармонизм қонунига мувофиқ истеъмол этилиши лозим бўлади. Агар биз мумтоз тилимиз меъёрини қайта тикласак, Туркистон халқларининг янада жипслашиши учун пойдевор яратган бўламиз.

ШУМ БОЛАНИНГ ЧОЙХОНАСИ

Азиз кулгисеварлар! Келгуси йилда ҳам севимли журналингиз «Муштум» билан учрашиб турай десангиз, унга обуна бўлишни унутманг! Нархими? Нархи от билан туя бўлармиди, арзон, бир йилга бор-йўғи 195 сўм сарфласангиз ҳар ойда журнал хонадонингизга «Ассалому алайкум!» деб кириб бориб турибди-да.

Мақсадимиз ҳам, режамиз ҳам бу: Мустақиллигимизни мустаҳкамлашга қамишдан бел боғлаб хизмат этиш, тараққиётимизга тўсқинлик қилаётган иллатларни аёвсиз танқид қилиш ва ичи-кузди ҳангома, латифа, ҳажвий, масхара расмлар билан сизнинг кайфиятингизни чоғ этишдан иборат.

Шошилинг, азизлар, шошилинг!

Журнал индексини биласиз: 75322

Биз ушбу сонда «Муштум» журналида эълон қилинадиган айрим ҳажвий асарларни эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

ҚУШИҚТАРОШЛИК

СЕНГА БИТТА СИР, ДЕДИМ

Дўппи кийган ироқи,
Дилнинг яқин-йироғи.
Кел, ноз этма, ғузалим.
Ишқнинг ёмон фироғи.

Қўргин: ҳолим забундир,
Эшит: оҳим зап ундир.
Дилни-ку ишғол этдинг,
Хирожга висол ундир.

Қўлимга сув соларман,
Минг сулув, милён сулув.
Алар бари бир ёну,
Сен ўзинг бир ён сулув.

Сенга битта сир, дедим,
Фақат айтгум: бир дедим,
Ҳали ҳеч ким кирмаган,
Қучоғимга кир, дедим.

Дўппи кийган ироқи,
Дилнинг яқин-йироғи.
Кел ноз этма, ғузалим,
Ишқнинг ёмон суроғи...

Амир НАРЗУЛЛО

МушТАГ ХАБАР ҚИЛАДИ

МУШКУЛ ОСОНЛАШДИ

Яқинда халқаро телефон тармоғи ишга тушгандан кейин маҳаллий тармоқлар орқали гаплашиш осонлашди. Энди Қўқон шаҳри билан гаплашиш учун унча кўп вақтингизни сарфламайсиз. Сиз халқаро тармоқ орқали дастлаб Америқо билан боғланасиз, улар эса фурсат ўтмай сизга Қўқон шаҳрини улаб беришади.

СЎРОВ

Ичимликнинг баҳоси ошганлигини ҳисобга олиб, шаҳримизда ичувчилар орасида «Учинчи бўлишни истайсизми?» деган савол билан сўров ўтказилди. Сўровда қатнашган 400 кишининг 600 таси «учинчи бўлишни» билдирган. Бу саволга кўпчилик уч мартадан жавоб қайтарган.

АҚДАН БАҚДАН МАСЛАҲАТ

— Доктор, хотиним билан доим сўкишамиз. Маслаҳат беринг, нима қилишим керак?

— Юринг! Кунига ўн чақиримдан. Шунда сиздаги салбий ҳислатлар йўқола боради...

Орадан бир ой ўтгач, бемор қўнғироқ қилди:

— Раҳмат доктор! Яхши бўлиб кетдим!

— Хотинингиз билан бошқа сўкишмаяпсизми?

— Албатта, йўқ-да. Ҳозир мен уйимдан юз эллик чақирим наридаман.

СОВУТГИЧ

Дўконга кираверишда: «Совутгичлар фақат 1812 йилдаги уруш қатнашчиларига сотилади», деган эълон илиб қўйишибди.

— Ҳали ҳам шунақалар тирикмикан? — сўрашибди харидорлар сотувчидан.

— Нимасини айтасизлар! Кеча иккитаси келиб, Кутузовдан олган справкаларини курсатишди, — деди сотувчи.

ХОҲИШ

Учта эркак суҳбатлашиб турганида, қаердандир дев пайдо бўлиб қолибди ва «Суранглар, нима хоҳласангизлар — бажо келтираман!» дебди.

— Мен ҳозирги туришимдан ўн чандон ақлли бўлай! — дебди биринчи эркак.

— Марҳамат! Шу дақиқадан бошлаб тилагинг ижобат бўлди...

— Мени юз мартадан зиёд ақлли қил! — деди иккинчиси.

— Марҳамат! — деди дев.

— Мени минг мартадан зиёд ақлли қил! — деди учинчиси.

— Марҳамат, — деди дев. — Шу дақиқадан бошлаб сен — аёлсан.

ҲУШЁРХОНАДА

Эрталаб ҳушёрхонада навбатчи милиса бир бадмастдан сўради:

— Кеча кечқурун сени бу ерга иккита милиса олиб келиб ташлаганини, сен албатта эсласанг керак?

— Албатта! — деди бадмаст.

— Маст ҳолда, ҳа?

— Албатта! Иккаласи ҳам ўлгудек ичиб олишган эди...

МЕҲМОН

— Бизникига синглим келаётган экан, — деди хотин эрига қараб. — Қунгироқ қилди, бу ёққа келиш учун билет пулини тўплабди. Қайтишни эса бир бало қилиб...

Эрнинг жаҳли чиқибди:

— Синглингга қунгироқ қил! Яхшиси бу ёққа бир бало қилиб келсин-да, тўплаган пулини қайтиш учун эҳтиёт қилиб қўйсин!

Илҳом ЗОЙИРОВ

Қизиқчининг қилиғи ҳам қизиқ

ОРТГАНИНИ ДАСТУРХОНГА ҚЎЯДИ

Теша қизиқ ўғиллари Эгамназар ва Абдуназарларга тўй қиладиган бўлиб қолибди. Бу хабар саркотибнинг қулоғига ҳам етиб борибди. Саркотиб хавотирланиб тўйдан бир кун олдин қизиқчиникига борибди. Хавотири тўғри чиқибди: тўй қилиш учун на гўшт на сабзи-пиёз, на тўйбошида бирор сўм пул бор.

— Ҳов, сен, нимангга тўй қиляпсан? Тайёргарлигинг йўқ-ку? — саркотиб жаҳл билан қизиқдан сурабди.

— Бу ёғи Жўрахон Султоновдан тортиб Маъмуржон Узоқовгача, Юсуфжон қизиқдан тортиб Охунжон қизиқ-қача ҳаммасини айтиб келдим — тайёргарлик шунчалик-да!

— Ҳов, уларнинг олдига дастурхон солишниям ўйлаяпсанми? — котиб баттар тутақибди.

— Энди, — Теша қизиқ кулиб жавоб қилибди. — Одам орттирганини туплаб тўй қилади. Мени орттирганим қўшиқчи акаларим, қатор қизиқчи дўстларим. Шулардан дастурхон қилиб қўяман, халқ еб кетаверади-да.

Саркотиб беихтиёр кулиб юборибди-да, қўл силтаб:

— Ҳе, барибир қизиқчи, қизиқчи экан-да! — деб тўйнинг ҳамма харажатини қилиб берибди.

ТЕША КЕРАКМИ?

Уруш йиллари Теша қизиқ-ка ҳарбий комиссариатдан чақирув қоғози келибди. Қизиқ қоғозни кўтариб жўраси — райкомсекретарининг уйига борибди.

— Болта, кетмон, арра, омбир, искана борми уйингда? — сурабди саркотибдан.

— Бор.

— Улар хўжалигингга керакми?

— Керак.

— Шунча нарса керак бўлган хўжаликка теша керак бўлмай қолдими энди?

— Теша нега керак бўлмас экан, керак.

— Бўлмаса, ма «Теша ўзимизгаям керак» деб жавобини бер!

Шундай қилиб қизиқ чақирув қоғозини саркотибга тутқазиб жўнаб қолибди.

СЕНИНГ ЭЧКИНГ ГАПИРЯПТИ

Теша қизиқ билан Тошмат қизиқ бригадани бошқаришар экан. Теша қизиқнинг ишлари расво бўлсаям раисдан мақтов эшитар экан:

— Теша аканинг ишлари жуда унчалик бўлмасаям, аммо одамгарчилиги яхши. Пахта тайёрлаш режасини қотириб қўймаган бўлсаям, лекин катталарнинг олдида ўзини тутиши, муомаласи мақтовга лойиқ. Тошматвой бўлса режани дўндириб қўйдим, деб гердайиб юраверади. Ҳа бор-ди-келдини билади, на одамгарчиликни. Бунақа эмас-да энди...

Охири Тошматнинг тоқати тоқ бўлиб Теша қизиққа кўнглини очибди:

— Ҳеч раисга маъқул келмаяпман. Режани бажариб қўйсам ҳам ёқмайман. Бунақада ишлаб бўладими? Мана, сиз режани бажармасангиз ҳам мақтагани-мақтаган.

— Бу раиснинг уйига ҳеч дастурхон қилиб борганмисан? — сурабди қизиқ.

— Йўқ.

— Унда бирорта қўйми, эчкими олиб бориб раиснинг оғилига боғлаб кел.

Тошмат маслаҳатга амал қилиб, раисни уйига эчки ташлаб келибди.

Эртасига раис дермиш:

— Мана Тошматвой ҳам танқиддан тўғри хулоса чиқариб ишларини анча ўнглаб олди. Яхши. Усиш бор.

Теша қизиқ Тошматни туртармиш.

— Эшит Тошматвой, сени эчкинг гапиряпти.

ҚИЗИҚЧИ ЎЛМАЙДИ

Айтишларича, Теша қизиқ: «Теракнинг бўйи йиқилганда, одамнинг обрўси ўлганида билинади, дейишади. Обрўйим бормикан — йўқмикан?» — деб «ўлибди». Хотини кирибди, индамабди. Қар қўшнисини чақириб чиқиб: «Кўринг-чи, гап сўрасам жавоб бермайди. Нафас оляптими, йўқми билиб ҳам бўлмайди?» — дебди. Қўшни наридан бери кўрган бўлиб: «Одам қаригач ўлади-да, иягини боғланг!» — деб хитоб қилибди. Доду фарёд бошланибди. «Совуқ» хабар жуда тез тарқалибди: тумонат одам йиғилибди. Буни билиб «марҳум» хурсанд бўлиб ётса ювғувчи кириб келибди. Қараса бўлмайди, ювиб-тараб кафанлаб юборишадиган. Урнидан турибди-да, ҳовлига чиқибди. Ярим одамнинг ҳуши учибди, ярим одам чапак чалиб юборибди.

— Бу қанақаси энди? Бу қанақаси энди?... — Маҳалла имоми ўдағайлабди.

— Ўлган ўлик жим турса, буёғини бизга қўйиб берса, демоқчисизда, — Теша қизиқ кулибди. — Обрўйимни бир синаб кўрай дегандимда. Шукр меҳрибонларим анчагина экан. Шунча мухлисларим турганда менга ўлишни ким қўйибди. Теша ўлади, ҳамма мухлисларини кулдириб ўлдириб кейин ўлади.

Ҳамма тарқалибди. Бу хабар ҳамма қишлоқларга етибди. Шунинг учун Теша қизиқ ўтганда кўпчилик яна ҳазил қиляпти, деб таъзиясига келмаган экан. Ҳозиргача ҳам бу хабарга ашаддий мухлисларни ишонтириб бўлмайди:

— Э, қўйсанг-чи, қизиқчиям ўладими?

Саид АНВАР

ЭЛЛИК ЙИЛ БУРУН ЕГАНДИК

— Дада Карл Маркс ким бўлган?

— У... нима десам экан, иқтисодчи бўлган.

— Циля холамга ухшаганми?

— Йўқ, йўқ, нималар деяпсан. Циля холанг бош иқтисодчи.

*

Бир киш жангга киришдан олдин сиёсий бошқармага ариза ёзяпти.

— Агар жангда ҳалок бўлсам мени коммунист деб ҳисоблашларингни сурайман, ўлмасам ҳисобламай қўяверинглар.

*

Милиция пунктида телефон жиринглади:

— Салом, мен кеча сизлар уйини тинтув қилган Рабинович бўламан. Кечирасизлар соат неча бўлди?

— Беш ярим.

Беш дақиқадан сўнг яна телефон жиринглади.

— Алло, мен Рабиновичман. Соат неча бўлганини айта олмайсизми?

— Йигирма беш минут кам олти.

Орадан беш дақиқадан сўнг:

— Алло, кечирасизлар мен Рабиновичман...

— Ўртоқ Рабинович, ҳозироқ келиб девор соатингизни олиб кетинг.

*

Америкалик собиқ СССР фуқаросини қора икра билан меҳмон қилди.

— Вой худойим, — деди «СССР» фуқароси, — сизлар биздан жуда орқада қолиб кетибсизлар-ку. Биз қора икрани эллик йил бурун егандик.

*

Милицияда:

— Арзимаган маош олар экансиз. «Волга», дала ҳовли, шунча гиламни қаердан олдингиз?

— Сизларга ҳозир ростини айтаман. Мен жуда камбағал эдим. Бир куни раҳматли онам тушимга кириб қабридан уч метр нарида бойлик кўмилганини айтди. Шуни қазиб олдим.

— Сиз нега бизга эртак айтаяпсиз? Гапингизни исботлай оласизми?

— «Волга», дала ҳовли, гиламлар исбот бўлолмайдими?

*

Телеграмма:

«Москва, Кремл. Ленинга. Ўртоқ Ленин менга моддий ёрдам беришингизни сурайман. Рабинович».

Рабиновични керакли идорага чақирибди:

— Нима, сиз жинни бўлганмисиз? Ахир Ленин аллақачон ўлган-ку?

— Курдингизми, сизлар доим шундоқ қиласизлар. Ленин ўзингизга керак бўлса, ҳамиша тирик, менга керак бўлса аллақачон ўлган бўлар экан-да.

*

Рабиновични милицияда сўроқ қилишмоқда:

— Ўртоқ Рабинович, дала ҳовлингиз бор экан.

— Буни нимаси ёмон?

— Машинангиз ҳам бор экан.

— Буни нимаси ёмон?

— Хотинингизнинг норка ёқали шубаси бор экан.

— Бунинг нимаси ёмон?

— Лекин сизнинг маошингиз бор йўғи бир юзу йигирма сўм экан.

— Бунинг нимаси яхши?

*

— Беш йилликнинг охирига келиб ҳар бир одамга ўн килограммдан гўшт тўғри келади, — деди лектор.

Унинг гапини Рабинович бўлди.

— Кечирасиз, яхши эшитмадим,—ДА дедингизми ёки —ГА.

— Саволингизга тушунмадим.

— Ҳар бир одамгами ёки ҳар бир одамдами?

*

Трамвайда кетаётган Рабиновичга кондуктор деди:

— Сиз билет олдингизми?

— Қанақа билет, менда ҳали виза ҳам йўқ-ку.

Б.БОБОЁРОВ тўплаган

СОЧГА ҚАРАБ ТАШХИС ҚЎЙИШ

Хитойлик олим Чен Сянфа Нонкин дорилфунунидаги бир гуруҳ ҳамкасблари билан ҳамкорликда рак касаллигига ташхис қўйиш ва унинг олдини олиш бўйича ғалати янгилик яратди. Мутахассисларнинг аниқлашича, рак билан касалланган кишининг соч толасида ниобий миқдор кам бўлади. Тадқиқотчилар 1036 соғлом ва 3111 нафар касал кишидан олинган соч толасини текшириб, шундай хулосага келдилар. Улар хасталик қанчалик оғир бўлса, соч толасидаги ниобий миқдор шунчалик камаяди, деб ҳисоблайдилар.

***

Канаданинг Торонто шаҳридаги баландлиги 111 метрлик осмонўпар иморат томида югуриш машқини ўтказиш учун мўлжалланган ўйингоҳ жойлашган. Бу ўйингоҳнинг энг катта афзаллиги шундаки, унга автомобиллардан чиқаётган заҳарли газлар етиб бормайди.

***

Франциялик Жан-Жак Валти ҳар томонлама мукаммал кўзойнак ихтиро қилди. У куриш қувватини яхшилашдан ташқари, кишини шаҳарнинг ифлосланган ҳавосидан ҳимоя ҳам қилади. Кўзойнак қаншарига учи пастга йўналтирилган мослама ўрнатилган. Мослама учида сигарет филтрини тайёрлашда ишлатиладиган материалдан қилинган пўкак бор. У бурун тешикларига тўғрилаб қўйилса бас, бутун заҳарли газ ва чанг кўзойнак эгасининг саломатлигига хавф туғдирмайди.

Маъмуржон УМАРАЛИЕВ тайёрлади

КЕЛИНГ, МАРД БЎЛАЙЛИК

Касбим тақозоси билан кўп сафарга чиқаман. Гоҳида бир соат, икки-уч, ҳатто, ўн соатлаб йўлда бўламан. Шундай кезларда ўзим билан албатта китоб ёки бир-иккита журнал олволаман. Йўл-йўлакай, то кўзим чарчагунча, уларни ўқийман. Манзилга ҳам тез етгандай бўламан. Лекин баъзан ён-атрофимга қараб, хафа бўлиб кетаман.

Наҳотки, эгни башанг анави қорақош йигит, ялт-юлт кўйлак кийган ёнимдаги манови қиз қимматли вақтини беҳуда ўтказса? Улар ҳам йўлга чиқишдан олдин биронта газета ёки журнал харид қилиб, ўқиб кетсалар, ёмон бўлмайди-ку! Ейиш-ичишдан, майли, орттиришмасин, лекин ортиқча зеб-зийнату дабдабалардан, ичиш-чекишдан озгина пул орттириб, газета-журнал, китоб сотиб олсалар, турган-битгани савобу роҳат-ку.

Муқаддас китобимиз Қуръони Каримда айтилишича, қуръон — қироат, яъни «ўқиш» деган маънони билдиради. Унинг биринчи ояти ҳам «Иқра!» — «Ўқи!» деб бошланади. Ҳадиси шарифда эса «Имкони борича ва қаерда қодир бўлсанг илм ўрган ва маърифатингни зиёда қил», дейилади.

Ҳозир эса қайсидир раҳбар кутубхоналарни тижорат дўкони учун сотиб юбораяпти, ўзини таниган қай бири эса яна кутубхона қурдиряпти. Бироқ орамизда ҳамма айбни бозор иқтисодига йўйиб, газета-журналларга обуна бўлмай қўйган, матбуот дўкони ёнидан тескари қараб ўтадиган, болаларига китоб эмас, фақат резина сақич олиб келадиган одамлар бор. Ўзингиз ўйланг, бизнинг аллома ота-боболаримиз Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Беруний, Форобий, Мирзо Улуғбек, Хоразмий, Аҳмад Фарғоний ва яна бошқа ўнлаб, юзлаб зукколар илм орқали дунёвий тараққиётга, маърифатга эришган эмасмилар? Улар яратган муъжизалар, фалсафий-илмий асарлар ҳамон жаҳон афкор оммасини қойил қолдирмаяптими? Ўзбекнинг кимлигини ҳамон дунёга танитмаяптими? Қомусий билим соҳиблари ҳам, ҳадислар муаллифлари ҳам ватандошларимиз эканлигини, Амир Темурнинг соҳибқиронлик санъати, Ибн Синонинг «Тиб қонунлари», Беруний асарлари Оврупо дорилфунунларида асрлар давомида ўқитиб келинганини ва ҳамон уларни ўрганишга ҳавас кучлилигини оддий сўз билан айтиб бўладими? Бу асарларни ўрганиш ҳамма вақт қалбимизга эзгулик руҳини сингдиради. Миллий ифтихор, миллий ғурур туйғуларини оширади.

Илмли киши ҳамиша донолик билан иш юритади. Илм-фан ва техника ютуқлари, тадбиркорлар иш тажрибаси, янги қарору кўрсатмалар билан эса биринчи навбатда газеталар орқали танишиб бориш мумкин. Бу имкониятдан фойдаланмаган, изланмай, ўқимай қўйган ҳар қандай катта-кичик раҳбар ҳаётдан орқада қолади. Шунинг учун ҳам ота-боболаримиз, момоларимиз илм олишни эътиқод даражасига кўтарганлар.

Бизда аёлларнинг ҳам, эркакларнинг ҳам тўрт-беш соатга чўзиладиган меҳмондорчиликлари кўп бўлади. Ана шу вақтдан фойдаланиб, илмдан, маърифатдан сўз очилса, бошқалар уни қўллаб-қувватлаб, ўз илмидан ҳикоя айтса бир кишининг билгани йигирма кишининг билимини ошириши тайин. Лекин биздаги кўп йиғинлар, утиришлар, учрашувлар майда-чуйда гаплару ейиш-ичиш билангина ўтиб кетади.

Бизнинг лоқайдлигимизни кузатган, ҳафтада, ойда қўлимизда газета-журнал, китоб кўрмаган фарзандларимиз кимдан, қандай ўрнак олсин?!

Баъзиларимизда илм ўрганишга иштиёқ бўлмаса, ўғил-қизимизни ўқи, ўқи, деб мажбур қилганимиздан фойда бўлармикин?

Агар биз озми-кўпми ўқисак, тушунсак, Ватанни эъзозлаймиз. Унинг тош-тупроғини кўзга суртамиз, сувига чиқитларни ташламаймиз, дарахтни синдирмаймиз.

Агар биз озми-кўпми ўқисак, тушунсак, ноннинг ушоғини ҳам хор қилмаймиз, пишиб-тукилиб етган мевани қайта ишлай оламиз. Ҳовлимизни, кўчамизни, боғимизни яшнатиб қўямиз. Энг муҳими, миллий заминимизни қадрлаймиз, серқуёш, серунум Ўзбекистон фарзанди эканлигимизни ҳис этамиз.

Маърифатимиз зиёда бўлса, унинг нури аввало ўз қалбимизни, қолаверса, Ватан йўлларини ёритади. Бобокалон шоиримиз Юсуф Хос Ҳожиб шуни назарда тутиб, «Билим — мардларга зийнат» деган эди. Келинг, биродар, чинакам мард бўлайлик.

Санъат МАҲМУДОВА

куюнчак газетхонлардан хатлар

КАМОЛОТ ЁШИ

«Гулистон» журнали дастлаб «Ер юзи» номи билан 1925 йилдан чиқа бошлаган эди. Журнал тез орада ўз ўқувчиларини топди. Унинг ҳар бир сонида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Зиё Саид, Олтой, Боту, Тошпўлат Саъдий, Абдулла Авлоний каби атоқли адибларнинг асарлари босилиб турди...

Мана, шунга ҳам энди 70 йил бўлди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг маданият саройида 20 ноябр куни бўлиб ўтган тантанада журналнинг кексаю ёш фаоллари иштирок этди. Анжуманни «Гулистон»нинг собиқ муҳаррири, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим очиб, барчани қутлуг сана билан табриклади. Журнал бош муҳаррири Тилаб Маҳмудов «Гулистон» босиб ўтган тарихий ва мазмунли йўл ҳақида маъруза қилди. Шундан сўнг Ўзбекистон Маданият ишлари вазири Э. Ҳайитбоев, меҳнат фахрийси Н. А. Муҳитдинов, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни раҳбари И. Шоғуломов ва бошқалар журналнинг Ўзбекистон ижтимоий-маънавий ҳаётида тутган ўрни ва амалга ошираётган баракали ишлари ҳақида гапирдилар.

Хоразм, Андижон ва Тошкент шаҳар театрларидан ташриф буюришган санъаткорлар ижро этишган куй ва қўшиқлар йиғилишга ўзгача шукуҳ бағишлади.

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида уйғур ва ўзбек халқлари шоири Рузи Қодирийнинг 70 йиллик юбилейи нишонланди. Уни Ёзувчилар уюшмаси раиси Жамол Камол очди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш. Жалилов ватанимиз фани ва маданиятини ривожлантиришда, ёш авлодни тарбиялашда кўрсаттан хизматлари учун Рузи Қодирийни Шуҳрат медали билан мукофотлаш тўғрисида Ўзбекистон Президенти фармонини ўқиб эшиттирди ва унга ушбу юксак мукофотни топширди.

Атоқли шоирлар А. Орипов, Мирмуҳсин, Ж. Жабборов, Назармат, Уйғур маданияти маркази раиси А. Аҳмедов, уйғур адиби С. Сатишев юбилярнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида сўзладилар. Шоирлар Т. Неъматов ва Фотимахон Рузи Қодирийга бағишланган шеърларини ўқишди.

Уйғур ва ўзбек санъаткорлари ижросидаги куй-қўшиқлар тантанали кеча иштирокчиларига манзур бўлди.

Р. МУСУРМОНОВ

НАФОСАТ ОЛАМИДА

Узбекистон рассомлар уюшмасининг Марказий кўргазмалар залида Рассомлар уюшмаси ҳамда «Хамар» Халқаро алоқалар маркази уюштирган «Осиё-Арт —II» халқаро кургазмаси очилди. Унда Узбекистоннинг турли шаҳар ва вилоятларидан, шунингдек Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва бошқа республикалар санъат усталарининг ишлари намойиш этилмоқда.

Кўргазмада ҳар бир республика ёки шаҳар учун алоҳида жой ажратилган. Залнинг энг кўзга ташланган ерида жойлашган Самарқанд шаҳар рассомлари бўлими ўзига хослиги ва ғузаллиги билан ажралиб турибди. Чунки бу ерда рассомларнинг ишларидан ташқари, Самарқанддаги «Ойша» ижодий бирлашмаси аъзолари ишлаган ажойиб қўғирчоқлар ҳам намойиш этилмоқда. 1993 йили Самарқанд ҳудудида санъатнинг янги тури пайдо бўлди. Вилоят ёшлар ижодиёти саройида туғилган бу санъат номини шарқ совғабоп қўғирчоқлари деб аташ мумкин. «Этнографик қўғирчоқлар» тўгарагининг бошқарувчиси, уқитувчиси Наталия Никитина Европа, Хитой ва Япония мактабларининг мумтоз намуналари уйғунлигидан фойдаланиб, қўғирчоқларга миллий жило берган.

Ўзига хослиги, ғузал ва нафислиги билан ажралиб турувчи бу қўғирчоқлар мутахассисларнинг ҳам, томошабинларнинг ҳам эътиборини тортмоқда. Шунинг учун бу санъат асарлари АҚШ, Англия, Германия, Япония ва бошқа давлатларда ҳам катта шуҳрат қозонмоқда.

Албатта, кўргазманинг бошқа бўлимларидан ҳам турли мавзудаги ранг-баранг асарлар ўрин олган. Кишини нафосат оламига етакловчи бу ғузал тасвирлар кўпчиликнинг ёдида узоқ сақланади, деб ўйлаймиз.

Мунира АКМАЛ қизи

ТИЛ БАЙРАМИ

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 6 йиллиги, Уйғун таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб «Уйғун — она тили қўйчиси» мавзуида Наманган шаҳри Ирисбек Назаров номидаги 40-ўрта мактабда тил, нафосат ва топқирлик анжумани бўлиб ўтди. Анжуман Наманган Давлат дорилфунуни тилшунослик факултети олимлари билан ҳамкорликда ўтказилди.

Кеча қатнашчилари Наманган Давлат дорилфунуни ёш олимаси Маҳбубахон Собировнинг «Уйғун — она тили қўйчиси» мавзусидаги маърузасини тингладилар. Шундан кейин мактаб ўқувчилари Уйғунга аталган шеър ва шоир асарларидан намуналар ўқиб бердилар.

Саҳнага ёш Раҳматилла — Уйғун қиёфасида 6-синф ўқувчиси Толибжон Шомирзаев чиқиб, шоир тилидан шеърлар ўқиди.

11-синф ўқувчилари шоирнинг «Баҳор», «Хайрлашув», «Она», «Куз қушиқлари», «Тонг» шеърларини ифодали ўқиб бердилар. Тил кечасини хотималаган мактаб директори Ёқубжон Набиев наманганлик тилшунос олимларга миннатдорчилик билдирди.

Жўрахон ТОШПЎЛАТ ўғли

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма аъзоси адиба Олмосга турмуш ўртоғи

Қудрат АҲМЕДОВ

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«Саодат» журнали жамоаси, Ўзбекистон Миллий ва ижтимоий барқарорлик жамғармаси жамғарма шаҳар бўлими бошқаруви аъзоси, адиба Олмос Аҳмедовага умр йўлдоши

Қудрат АҲМЕДОВ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ — 1995 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 33-52-91

* * *

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Дадахон ЁҚУБОВ, Одил ЁҚУБОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Ашурали ЖЎРАЕВ (санъат бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (танқид ва адабиётшунослик бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ, Беккул ЭГАМҚУЛОВ (масъул котиб)

Навбатчи муҳаррир — Рустам МУСУРМОНОВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0497. Ҳажми — 2 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Индекс 64593. 1 2 3 4 5 6